БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 218 (4317)
24 СЕНТЯБРЬ 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## тонгги газеталарда

● Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Халқларнинг жаҳон тинчлик парламенти қатнашчиларига йўллаган табрик мактуби эълон қилинган. «Сизларнинг анжуманингизда сиёсий партияларнинг, оммавий ҳаракатлар ва ташкилотларнинг кўпдан-кўп вакиллари, турли мамлакатлардаги миллион-миллион кишиларнинг туйғулари ва умидларини ифодаловчи мўътабар сиёсат ва жамоат арбоблари иштирок этмоқдалар. София парламенти уруш хавфига қарши, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш учун кураш ва оммавий ҳаракатларни юксалтириш йўлидаги янги омил бўлиб қолишига тилакдошмиз», дейилади жумладан унда.

● Учишни бошқариш маркази хабар беради: космонавтлар Леонид Попов, Валерий Рюмин, Юрий Романенко ва Арнальдо Тамайо Мендес «Салют-6»—«Союз-37» — «Союз-38» орбитал комплексининг ичида бажарилаётган биргаликдаги ишларни давом эттирмоқдалар.

Бориб қайтувчи экспедиция экипажи космик учиш шароитларида бош миянинг биоэлектрик активлигини яна тадқиқ этди. Бунда бир қанча физиологик маълумотлар совет ва кубалик мутахассислар ишлаб чиққан «Кортекс» аппарати ёрдами билан магнит лентага ёзиб олинди.

Тошкент абразив комбинати коллективи КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, фидокорона меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: комбинат механика цехининг съезд олди меҳнат вахтасида туриб смена нормаларини 140— 160 процент адо этаётган пешқадам токари, коммунистик меҳнат зарбдори Евгения Стаховская.

М. Нуриддинов фотоси.

## ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

### ДОЛЗАРБ ПАЛЛА

Республика пахтазорларида «оқ олтин» йиғим-терими қизғин давом этаётган шу кунларда пахтакорларга «зангори кема»лар тайёрлаб бераётган «Ташсельмаш» заводи цехларида ҳам меҳнат суръати авжига чиқмоқда. Машинасозлар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумли меҳнат қилиб, Ўзбекистоннинг катта «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар.

**БУГУН**

**завод коллективининг йил бошидан бери конвейердан тушириб колхоз ва совхозларга юборган пахта комбайнлари 6700 тага етди. Шундан 60 тасини коллектив планга қўшимча тайёрлади.**

Корхонада КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун давом этаётган социалистик мусобақада 22-йиғув цехи ишчилари намуна бўлишяпти. Бу цехда август ойининг иккинчи ўн кунлигидан «ХНП—1,8» маркали янги пахта комбайни ишлаб чиқарила бошланди. Ҳам пахтани, ҳам ерга тўкилган подборни терадиган, «ғилдиракли завод» деб ном олган бу машиналарнинг 15 сентябрга қадар ишлаб чиқарилганлари шу йилги пахта терими мавсумида қатнашади. Август ойининг ўзида корхонада 700 та комбайн тайёрланган бўлса, шундан 262 таси янги комбайнлардир.

Янги машинани йиғишда 22-цехнинг А. Галиев, М. Содиқов, А. Абдеев, Э. Исаев каби ишчилари алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Улар смена топшириқларини 110 — 115 процент адо этиб, партиямизнинг бўлажак съездига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлашяпти.

## ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

● Меҳнат зафарларимиз—КПСС XXVI съездига

● БУНЁДКОРЛАР ЗАРБДОР ВАХТАСИ | «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ

*Беш йиллик вахтасида*

### СЪЕЗД ШАРАФИГА

Тошкент ёғ-мой комбинати капитал ремонтдан сўнг тўла қувват билан ишлай бошлади. Натижада саккиз ойликда пландан ташқари 925 минг сўмлик ёғ-мой маҳсулотлари реализация қилинди.

**БУГУН**

**корхона коллективи янги чигитдан тайёрланган ёғ-мой маҳсулотларнинг дастлабки туркумини савдо ташкилотларига жўнатди.**

Комбинатда «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» шиори остида мусобақа тобора қизимоқда. Коллектив съезд шарафига оширилган социалистик мажбурият олиб ишламоқда. Ёғмойчилар коммунистлар анжуманига атаб йиллик планга қўшимча 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қиладилар.

Корхона меҳнат аҳли беш йиллик планини 6 октябргача уддалашга бел боғлаган. Бу эзгу мақсад йўлида бутун коллектив беллашиб ҳалол тер тўкмоқда. Меҳнат рақобатида ҳозирда келгуси беш йиллик ҳисобига ишлаётган илғор ишчилар — гидрогенераторчи Р. Юскаева, катализаторчи Н. Қаюмова, операторчилар Е. Морозова, Е. Пўлатова ва бошқалар пешқадамлик қилишмоқда.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ контроли группаси ходимлари маҳсулот сифатини яхшилаш борасида талай гина ишларни амалга оширмоқдалар.

СУРАТДА: халқ контроли группаси аъзолари (чапдан-ўнгга) мастер Т. Чудорина, маршрутчи В. Галкина, смена мастери В. Шацких ва мастер А. Канеева бичилиши керак бўлган газлама сифатини кўздан кечиришяпти.

Р. Загратдинов фотоси.

## ЯНА БИР МИКРОРАЙОН

Пойтахтимизнинг Юнусобод массивида яқинда яна бир турар жой микрорайони вужудга келади. Бу Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли Уй-жой қурилиш трестининг бунёдкорлари томонидан кўкка бўй чўзаётган СВ—5 микрорайонидир. Шу кунларда трестнинг 40-қурилиш бошқармасига қарашли Б. Шукуров, В. Чунехин, В. Ядрисив бошлиқ бригадаларнинг коллективлари еттита беш қаватли турар жой биносини фойдаланишга топшириш учун тайёрлаб қўйишди. Улар асосан 40, 90 ва 20 квартирали турар жой бинолари бўлиб, меъморлар бу биноларда ҳамшаҳарларимиз учун замонавий қулайликларни мужассамлантиришга ҳаракат қилишган.

Янги микрорайондаги турар жой бинолари бир-бирига мутаносиб ҳолда жойлаштирилган бўлиб, уларнинг оралигидаги аҳолининг дам олиш жойлари, болалар спорт майдончалари қулай бўлишига аҳамият берилган. Масалан, микрорайоннинг ташқи бурчак томонлари блок секция усулида қурилган уйлар билан тўсилган бўлиб, ўзига хос микроиқлим вужудга келтириш имконини беради. Бошқа томондан эса у микрорайондаги уйларга оригинал қиёфа бахш этади.

Ҳозир бошқарманинг икки беш йиллик топшириқни муддатидан илгари шу йилнинг апрель ойида бажарган Баҳодир Шукуров бошлиқ бригадаси азаматлари иккита 90 квартирали, учта 40 квартирали ва битта юз квартирали уйда қурилиш ишларини конвейер усулида олиб боришяпти. Масалан, бир бинода пойдевор ишлари бажарилаётган бўлса, иккинчи уйда девор панеллари монтаж қилиняпти, учинчи уй эса пардозчиларга тахт қилиб бериляпти.

Бу зарбдор бригада коллективи Юнусободнинг Тошкент ҳалқа йўли билан туташган Аҳмад Дониш кўчаси охирида ҳам тўққиз қаватли уй-жой биноси қурилишини бошлашга тайёргарлик кўрмоқда. Бу муҳташам бино шаҳримизнинг ана шу проспектига кўркам қиёфа бахш этади. У уй-жой қурилиш тресты бунёдкорлари биринчи марта қурадиган дастлабки тўққиз қаватли бинодир.

## *ПАРДОЗЛОВЧИЛАР ИШ БОШЛАШДИ*

**БУГУН**

**«Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинатига қарашли 27-қурилиш бошқармасининг А. Конрад бошлиқ монтажчилар бригадаси «Қорасув-1» массивида қурилаётган 9 қаватли, 90 хонадонга мўлжалланган турар жой биносининг монтаж ишларини ниҳоясига етказди. Айни пайтда, истиқомат масканида мазкур трестнинг пардозлаш бригадалари иш бошлашди.**

— Бинокорлар,— дейди трест техника ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Г. Чудаков,— турар жой биносини Конституция куни арафасида фойдаланишга тахт қилиб қўйиш учун курашмоқдалар.

М. ФЕЛЬДМАН.

## ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ АСОСИДА

**«1980 йил планини — 15 декабрда бажарилади, планга қўшимча равишда 2 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ўн биринчи беш йиллик биринчи йилининг дастлабки икки ойлик планини — КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача бажарилади...».**

Пойтахтдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан, ўз имкониятларини қараб чиқди ва ана шундай оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.

Бугунги кунда сўзи билан иши бир бўлган чеварлар оширилган социалистик мажбуриятни бажариш учун зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар ва барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Корхона коммунистлари қатори йигирма нафардан ортиқ халқ депутатлари юксак ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатига эришиш йўлида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати В. Локтева, Тошкент шаҳар Совети депутатлари М. Ғуломова, В. Кузьмина, Киров район Совети депутатлари Г. Мўминова, М. Рустамбекова, Е. Тамановская ва бошқалар ҳозирги пайтда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

**БУГУН**

**Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли орденли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг йил бошидан буён планга қўшимча равишда республика савдо ташкилотларига юборган маҳсулоти бир ярим миллион сўмликка етди.**

## 130 МИНГ «ЗАНГОРИ ЧИРОҚ»

Пойтахтимизнинг 1-таксомотор автокомбинати ҳайдовчилари «КПСС XXVI съездига 26 зарбдор ҳафта» умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, белгиланган план мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Автокомбинатда 18 та бригада бўлиб, ҳайдовчиларнинг 150 нафари коммунистлардир. Манзилларни яқин қилувчи зангори чироқ ҳайдовчилари ўтган саккиз ойда пландан ташқари 100 минг сўмлик иш бажардилар. Комбинат ҳар куни аҳолига хизмат қилиш учун 515 та таксини шаҳар кўчаларига чиқаради.

**БУГУН**

**йил бошидан бери комбинат шаҳарга чиқарган енгил машиналар сони 130 мингтага етди. Саккиз ойлик план 6 миллион 700 минг сўмга ошиғи билан бажарилди.**

Шу кунларда автокомбинат коллективи йиллик планни 27 декабрда, беш йиллик планни эса 16 ноябрда бажариш учун жонбозлик кўрсатмоқда.

Комбинатнинг Ф. Астевчук, Р. Яхшиянц, В. Телняев ва Г. Бойматов каби ҳайдовчилари эса аллақачон беш йиллик планни адо этиб, 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

## *«ЙИГИРМА ЛАГАН УЗУМ»*

Ўзбекистон театр жамиятига қарашли саҳна безаклари ишлаб чиқариш комбинатининг К. Мардонов, К. Мавлудов ва М. Надрова каби усталари

**БУГУН**

**Жиззах музикали драма театри учун бир қатор жиҳозлар яратиш ишларини ниҳоясига етказдилар.**

Бу комбинатнинг юзлаб буюртмаларидан биридир, холос. Комбинат театрлар, киностудиялар, санъат саройлари ҳамда санъат коллективларининг буюртмалари асосида кўп ишларни амалга оширмоқда. Август — сентябрь ойларида улар «Баёт» ансамбли учун йигирма дона «Узум солинган лаган»лар яратиб берди. Айни пайтда комбинат И. Охунбобоев номидаги маданият уйининг халқ ансамбли учун бажарилаётган миллий бош кийимлар устида иш олиб бормоқда.

## БЕШИНЧИ МАРТА

Қўйлиқ кўприкбоп темир-бетон конструкциялари экспериментал заводида ишлаб чиқарилаётган икки хил буюмга

**БУГУН**

**давлат Сифат белгиси берилди. Бундай юксак баҳога завод ишчиларининг ўз ишига масъулият билан қараши, материалларни пухта қилиб чиқаришдаги маҳорати орқали эришилди.**

Йил бошидан бери завод ишлаб чиқараётган ҳар хил панеллар, тўсинлар ва темир-бетон устунлар шу билан бешинчи марта фахрли беш қиррали белгига сазовор бўлди.

## ТАБИАТ БАЙРАМИ

Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий 23-шаҳар табиат байрами бўлиб ўтди. Байрамни табиатни муҳофаза этиш Ўзбекистон жамиятининг Тошкент бўлими уюштирди.

— Навбатдаги табиат байрамига,— дейди байрам кўргазмасини ўтказиш комитети раисининг ўринбосари Н. Л. Данилов, — манзарали ва сайроқи қуш ишқибозлари, гулчилар, ёш табиатшунослар ўзларининг «жонли» экспонатлари билан келишди. Айниқса, пойтахтимиздаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг табиат бурчагидан келтирилган парранда ва ҳайвонлар барчага манзур бўлди. Шунингдек, кўргазма қатнашчилари таниқли табиат ихлосмандлари, халқаро кўргазмаларнинг қатнашчилари М. Отабеков, Б. Симонов, В. Сараджан, В. Андрюшченколарнинг кўргазмаларини зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

**СУРАТДА: табиат байрамидан бир лавҳа.**

**Ҳ. Мирзакаримов** фотоси.

## ◆ УЙ МУБОРАК!

### ОЙДИН ХОНАЛАР

**БУГУН**

**пойтахтимизнинг Чилонзор массивида санаторий типидаги 180 ўринли янги болалар боғчаси дастлабки кичкинтойларни қабул қилиб олди.** Икки қаватдан иборат боғчанинг дам олиш хоналари кенг, музика салонлари ҳамда ўйин майдончалари ёруғ ва ойдин. Боғчанинг ошхонаси ҳам энг замонавий ошхона жиҳозлари билан безатилган.

Болалар масканини «Главташкентстрой»нинг 153-трестига қарашли 14-бошқармасининг бригадалари қурди.

## МАШҲУР АРТИСТЛАР НОМИДАГИ МУКОФОТ

Серқуёш диёримизда «Санъат байрами»ни ўтказиб туриш яхши анъанага айланиб қолди. Республика миқёсида мактаблар бўйича ҳар йил баҳорда нишонланадиган бу маданий тадбир ўқувчи-ёшларни эстетик руҳда тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Шу йилдан бошлаб «Санъат байрами» кўриги доирасида ҳаваскор драма тўгаракларининг конкурси ўтказилади. Ижодкор ўқувчилар учун ўзига хос имтиҳон бўладиган бу конкурс муносабати билан Ўзбекистон ССР Маориф, Маданият министрликлари ва республика театр жамияти томонидан СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов номли ҳамда СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева номли мукофотлар таъсис этилди.

Мазкур мукофотлар учун ўтказиладиган конкурслар мактаб, район, шаҳар, область ва республика миқёсида ташкил этилади. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги республика методик кабинети конкурслар низомини ишлаб чиқади.

## *Халқаро мавзуда суҳбат*

# Тинчлик, қуролсизланиш ва ҳамкорлик манфаатлари йўлида

Шу кунларда жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори яна Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳига қаратилди. Бу ерда БМТ Бош ассамблеясининг навбатдаги, XXXV сессияси иш бошлади.

Жаҳон ҳамжамиятининг бу галги анжумани — юбилей анжуманидир: БМТ 35 йил муқаддам фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабадан сўнг тузилган эди. Бу ғалабага Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшган эди. Инсоният тарихидаги энг вайронагарчилик уруши тугаши биланоқ мазкур халқаро ташкилотнинг юзага келишида чуқур рамзий маъно бор. Бу воқеа ер юзи халқлари мана шундай фожиа такрорланишига йўл қўймасликка азму-қарор берганликларининг ифодаси бўлди. БМТ уставига: «Келажак авлодларни уруш кулфатларидан халос қилиш» дан иборат олижаноб вазифа ёзиб қўйилган.

БМТ Бош ассамблеясининг XXXV сессияси ишида дунёдаги 153 давлатнинг делегациялари қатнашмоқда. Улар ҳозирги халқаро аҳволнинг 120 дан ортиқ энг муҳим масаласини чуқур ўрганиб, ҳар томонлама муҳокама қилишлари керак. Бу масалалар планетанинг ҳозирги кунини, барча қитъалардаги халқларнинг фикр-ўйлари ва орзу-умидларини, уларнинг тинч, яхши келажакка бўлган умидларини ифодалайди.

Ҳамманинг фикри бу сессиянинг хусусияти халқаро вазият анча кескинлашган даврда ўтаётганлигидир. Бунинг учун ким жавобгар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки АҚШ ва НАТОнинг агрессив доиралари кескинликни юмшатиш сиёсатининг 1970 йилларда СССР ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг изчил куч-ғайратлари туфайли эришилган ижобий натижаларини кўпоришга уринмоқдалар. НАТО кенгаши сессиясининг ғарб давлатлари ҳарбий бюджетларини йил сайин кўпайтириб бориш тўғрисидаги қарорини ёки Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликда учадиган ва СССРга қаратиб қўйилган янги ядровий ракеталарини жойлаштириш тўғрисида қарорини эслатиб ўтиш кифоя. Ниҳоят, «АҚШнинг янги ядровий стратегияси» деб аталган машъум стратегияни, Вашингтон маъмуриятининг «чекланган ядро уруши» хусусидаги телбанамо фикрларини эсга олайлик.

Ҳозирги Хитой милитарист, реакцион кучларнинг актив шериги бўлиб қолганлигини ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди. Пекин раҳбарлари ўзларининг гегемончилик мақсадларини кўзлаб, империализмнинг содиқ иттифоқчисига айландилар ва ташқи сиёсатда урушни ошкора кўзлаб иш тутмоқдалар.

Бироқ, жаҳон халқлари ядро фалокатининг «қил кўприги»да яшашни хоҳламайдилар, улар бемаъни қуролланиш пойгасидан чарчадилар. Шу боисдан ҳам улар СССРга ва унинг социалистик лагердаги иттифоқчиларига нигоҳ ташламоқдалар. Чунки айни социалистик ҳамдўстлик давлатлари тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ишини қатъият ва изчиллик билан ҳимоя қилмоқдалар.

БМТ Бош ассамблеясининг Нью-Йоркда XXXV сессияси ҳам шуни яққол исботлаб турибди. СССРнинг ташаббуси билан сессия муҳокамасига ҳозирги замоннинг энг зарур проблемалари, кескинликни юмшатиш жараёнини моддийлаштириш, ядро уруши хавфини тугатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва реал қуролсизланишга эришиш тадбирлари киритилмоқда.

СССРнинг БМТ доираларида мамнуният билан кутиб олинган амалий таклифлари моҳияти оммавий қирғин қуролининг янги турлари ва системаларини вужудга келтиришни таъқиқлашдан, ядро қуроли синовларини батамом ва ёппасига тақиқлаш тўғрисида шартнома тузишдан, ядро қуролини тарқатмаслик юзасидан ҳам конкрет тадбирлар кўришдан, жумладан ядро қуролига эга бўлмаган давлатларнинг хавфсизлиги кафолатини мустаҳкамлаш тўғрисида халқаро конвенция, шунингдек ҳозирги вақтда ўз территориясида ядро қуроли бўлмаган давлатларнинг территориясида ядро қуролини жойлаштирмаслик тўғрисида битим ишлаб чиқишдан иборат.

Яқинда Совет Иттифоқи қилган янги таклиф жаҳон ҳамжамиятининг зўр диққат-эътиборига сазовор бўлди. Бу таклиф Европада ўртача олисликка учадиган ракета-ядро қуроли тўғрисидаги музокараларни Американинг олдинги базаларидаги ҳозирнинг ўзидаёқ Ғарбий Европада жойлаштириб қўйилган ядровий воситалари билан узвий боғлиқ равишда бошлашни тавсия этади.

Сессияда ер юзининг «қалтис нуқталари»даги, жумладан Яқин Шарқдаги, Африка жанубидаги аҳволни муҳокама қилиш ҳам лозим. Шу билан бирга БМТ минбаридан, ҳамиша бўлганидек СССРнинг империализмга ва реакцияга қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватловчи дадил овози янграйди.

Халқаро жамоатчиликнинг фикрича, бу галги сессия Кампучия халқига нисбатан адолатни қайта тиклаш, шу давлатнинг бирдан-бир қонуний ҳукумати бўлмиш Кампучия халқ революцион кенгашининг вакилига БМТдан жой бериши лозим.

Жаҳон халқлари БМТ Бош ассамблеясининг XXXV сессияси кескинликни юмшатиш, тинчликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш ва ҳамкорлик сиёсатини давом эттириш йўлида янги қадам қўяди, деб ҳақли равишда кутмоқдалар.

А. ЯКОВЛЕВ.
(ТАСС).

## телетайп лентасидан

◆ БРЮССЕЛЬ. Социалистик партиянинг раиси Карел Ван Миерт Бельгия телевидениеси орқали сўзлаган нутқида ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш кераклигини айтди. У Европада ракета-ядро қуролини қисқартиришга қаратилган музокараларни тезроқ бошлаб юборишга чақирди.

К. Ван Миерт Американинг ўртача олисликдаги янги ядро ракеталарини мамлакат территориясида жойлаштиришни кечиктириш тўғрисида Бельгия ҳукумати шу ҳафтада қабул қилган қарорни шарҳлаб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: ракета-ядро системаларини чеклаш тўғрисида музокаралар олиб бориш Европа қитъасида ядро конфронтациясидан халос бўлиш имконини беради.

◆ ВЕНА. Австрияда йирик компанияларнинг, аввало миллатлараро корпорацияларнинг рақобатига бардош беролмаган майда ва ўрта корхоналар хонавайрон бўлмоқда. Расмий статистика маълумотларига қараганда, шу йил август ойидагина 80 дан зиёд фирма ёпилди. Қурилиш ва тўқимачилик саноатидаги, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўп корхоналар хонавайрон бўлганлиги қайд этилди.

◆ МАНАГУА. Никарагуа ички ишлар министрлиги қуйидагиларни хабар қилди: республика хавфсизлик органлари ҳарбий қисмларнинг ҳамда сандиночи халқ милицияси отрядларининг ёрдами билан Нуэва-Сеговия ва Хинотега департаментларида ҳаракат қилган контрреволюционерларнинг икки шайкасини тугатдилар. Босқинчилар — саводсизликни тугатиш кампанияси қатнашчилари, деҳқонларни ўлдириш, саботаж қилиш, давлатга қарашли чорвачилик хўжаликларига қуролли ҳужум қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Сальвадор ва Гондурасда уя қуриб олган Сомоса собиқ миллий гвардиясининг офицерлари шу мамлакатлар территориясидан террорчи гуруҳларнинг жиноий ишларига раҳбарлик қилиб турганлар.

◆ ТОКИО. Япония Коммунистик партиясининг вакиллари маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига сайловда муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. «Акахата» газетасининг хабар беришича, ўтган якшанба куни ўтказилган сайлов вақтида Япония Компартияси томонидан кўрсатилган ўн номзод Фукусима, Хиросима, Вакаяма префектураларининг беш шаҳрида муниципал мажлисларнинг депутати қилиб сайланган.

(ТАСС).

## Мусобақа кундалиги

• Тўқимачиларнинг меҳнат беллашуви

# ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ

Тошкент тўқимачиларини Иваново меланж, Олмаота ип-газлама, Фарғона тўқимачилик комбинатлари коллективлари билан мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб турибди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженер-техник ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ўхшаш корхоналарда кўп мартадан бўлиб, тажриба ўрганиб қайтишган, техника янгиликларини ўртоқлашишган, социалистик мусобақага якун ясашган.

Тўқимачиларнинг навбатдаги учрашуви Тошкент комбинатида бўлди. Меҳмонлар, жумладан, корхона партия-хўжалик активи йиғилишида иштирок этишди. Бунда Тошкент тўқимачилик комбинатининг мусобақадаги рақиблари билан 1980 йилнинг биринчи ярмида бўлган меҳнат беллашувига якун ясалди.

Йиғилиш қатнашчилари мусобақадош коллективларнинг кўрсаткичларини таққослашди. Биринчи ярим йилликда Олмаота тўқимачилари энг юксак натижаларга эришдилар. Маҳсулот реализацияси плани 103,6 процент бажарилди, савдо тармоқларига топшириққа қўшимча 526 минг погон метр газлама юборилди.

Тошкент тўқимачилик комбинати маҳсулот реализация қилиш бўйича биринчи ярим йил планини 100,6 процент бажарди. Аммо натура бўйича озгина қарз бўлиб қолди. Иваново меланж комбинатида ҳам худди шундай аҳвол рўй берди. Фарғона тўқимачилик комбинати биринчи ярим йилликда маҳсулот реализацияси қилиш бўйича ва натура ҳолида маҳсулот тайёрлаш планини бажара олмади.

Актив йиғилишида иш якуни, тўрт коллектив бошдан кечираётган қийинчиликлар ҳақида сўз борди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош инженери В. Зиков, Иваново меланж комбинати касаба союз комитети раиси В. Кудошина, Олмаота ип-газлама комбинати касаба союз комитети раисининг ўринбосари Н. Солнцева, Фарғона тўқимачилик комбинати бош инженери Х. Тўйчибоев коллективларга оз ишчи кучи билан калава ва газлама ишлаб чиқариш бўйича юксак топшириқларни бажариш имконини берадиган резервлар ҳақида гапирдилар. Бундай резервлар мавжудлигини ўхшаш корхоналарнинг ишлаб чиқариш илғорлари тажрибаси кўрсатяпти. Улар ўзаро социалистик мусобақа ҳақида шартнома тузиб, қийинчиликлардан қўрқмай, беш йилликнинг юксак марраларини эгаллашяпти. Ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти. Актив йиғилишида уларнинг номлари тилга олинди.

Иваново меланж комбинати йигирувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Ерофеева бутун мамлакатга маълум. Мана кўп йиллардирки, донгдор тўқимачи Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева билан мусобақалашмоқда.

Анастасия Фёдоровна «БД— 200—М —60» маркали урчуқсиз пневмомеханик машиналарга ўтиб ишлаб, хизмат кўрсатиш зонасини 1200 камерага (типовой норма 320 та) кенгайтирди. Март ойи охирида ишчи уч беш йиллик топшириғини бажарди. Бутун беш йиллик мобайнида у 17 йиллик нормани бажариш ниятида. Анастасия Фёдоровна ўзининг зарбдор меҳнатини ўқиш билан қўшиб олиб боряпти. Йиғилишда тўқувчи олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, диплом ёқлаб, инженер бўлганлиги маълум қилинди.

А. Ерофееванинг тошкентлик мусобақадош дугонаси Буолма Жўраева техникага хизмат кўрсатиш типовой нормасини икки баробардан кўпроқ оширди. У ҳозир 2400 урчуққа (типовой норма 1160) хизмат кўрсатаяпти. Ишчи топшириқларини 108 процентга етказиб бажаряпти, бутун калавани биринчи сортга топширяпти. Ҳозирги вақтда илғор йигирувчи 1983 йил топшириғини адо этаяпти.

Мусобақада тошкентлик тўқимачи Валентина Руч ва унинг Иваново меланж комбинатидаги рақиби Екатерина Черепенко яхши натижаларни қўлга киритишди. Олдинда Валентина Руч боряпти. У ҳозир 1982 йил ҳисобига маҳсулот топширяпти. Йиғилишда Е. Черепенко ўз рақибини табриклади ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун қўшимча резервлар топаман, иккинчи ярим йилликда рақибимни қувиб етишга ҳаракат қиламан, деб ишонтирди.

Мусобақадош тўқувчиларнинг ишлари қалай?

Олдинда В. Н. Дербенева билан (Иваново) мусобақалашаётган тошкентлик тўқувчи В. Солдатова боряпти. Вера Ивановна ҳозир 1985 йилга қадам қўйди ва яқин кунларда маррани эгаллайди. Валентина Николаевна саккиз йиллик топшириқни адо этди.

Тўқимачилар Н. П. Ланкина, А. С. Котельникова, А. И. Маер, мастер ёрдамчиси С. Пўлатова (Тошкент) ва Н. П. Пудова, А. П. Цимлякова, В. В. Сараєва, А. В. Мицин (Иваново) кабиларнинг меҳнат беллашуви муваффақиятли давом этаяпти.

Йиғилишда Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси Нина Ершова сўзлади. У икки шахсий беш йиллик топшириғини бажариш учун кураш йўллари ҳақида ҳикоя қиларкан, олмаоталик тўқувчи билан мусобақалашиш нияти борлигини маълум қилди. Унинг бу даъвати олмаоталик тўқувчига албатта етказилади ва натижаси яқин кунларда маълум қилинади, деб ишонтиришди.

Худди биринчи ярим йилдагидек йигирувчи М. Турсунхўжаева, тўқувчи Е. Губина, Л. Каримбердиева, раклист В. Шаламов (Тошкент), А. Абилбоева, Л. Игнатова, Л. Кочетова, Б. Соколов меҳнатда юксак натижалар учун курашни давом эттиришяпти.

Йиғилишда тараш машинаси операторлари З. Габдуллина (Тошкент) ва С. Муҳамедсафина ўртасидаги мусобақа тўғрисида шартнома тузилди.

Йигирувчи Т. Злобина, калаваловчи В. Федотова, мастер ёрдамчиси Ш. Каримов (Тошкент) Н. Аришова, З. Темиргалиева ва М. Мирзабоева (Фарғона) билан мусобақани давом эткизишяпти.

Учрашув қатнашчилари тўрт корхона коллективларига қарата мурожаат қабул қилдилар. Улар барча тўқимачиларни «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» шиори остида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга, меҳнат беллашуви давомида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга, тез-тез тажриба алмашишга, бир корхонада фойдаланилган янгилик бошқа корхоналарнинг ҳам мулки бўлиб қолиши учун оператив ахборотлар юбориб туришга чақирдилар. Бу биргалашиб ҳаракат қилиб, коммунистларнинг юксак анжуманига муносиб туҳфа тайёрлаш имконини беради.

**«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.**

• *Доимий комиссияларда*

# МАДАНИЙ ХИЗМАТ НАМУНАСИ

Календарда — 1980 йил сентябрь ойи тугаб бормоқда. Минглаб меҳнат коллективлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиб, ишончли, шаҳдам одим билан олға томон бормоқдалар. Барча совет кишилари қатори, Киров райони саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасаларнинг коллективлари КПСС нинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат вахтасида турибдилар. Халқимизнинг шонли меҳнат солномаси ишлаб чиқариш илғорларининг янги-янги номлари билан тўлмоқда. Районимизнинг меҳнат аҳли беш йилликнинг тугалловчи йили планини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқда. Партиямиз томонидан олдимизга қўйилган бош вазифа ҳам ана шундан иборат.

Партия Марказий Комитети коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида совет кишиларининг турмуш фаровонлиги билан бир қаторда, уларнинг маданиятини янада ривожлантириш масаласига доимо катта эътибор бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори фикримизнинг далилидир. Маданий революция, фанни, маорифни, бадиий ижодкорликни ривожлантириш, мамлакатимиз ва чет эл маданиятида эришилган ютуқлардан фойдаланиш каби ленинча ғоялар совет жамияти ҳаётида муваффақиятли тадбиқ этилмоқда.

Кейинги пайтларда партия Марказий Комитети оммани ғоявий тарбиялаш, идеологик таъсир кўрсатиш турли формаларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни комплекс ҳал этиш тўғрисида бир қатор принципиал қарорлар қабул қилди. Мазкур қарор ҳам совет кишиларини идеологик, сиёсий жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда районда бешта маданият уйи, бешта клуб, ўн учта оммавий ва тўққизта касаба союз ташкилотларига қарашли кутубхона, ўн иккита киноустановка, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дам олиш зонаси район меҳнаткашларига хизмат қилиб турибди. Булар меҳнаткашлар ўртасида мазмунли идеология ишларини фаол олиб боришнинг, шунингдек меҳнаткашлар бўш вақтларини мароқли ўтказишларида, ғоявий ва ахлоқий томонларини бойитишларида марказ бўлиб қолмоқда.

Халқ депутатлари район Советидаги маданият ва санъат бўйича доимий комиссия райондаги маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини яхшилаш мақсадида катта тадбирларни амалга оширмоқда. Комиссия маданий муассасалар ишининг халққа етказаётган манфаатли томонларини таҳлил этар экан, кўпчилик маданий муассасалар ўз ишини муваффақиятли олиб бораётганлигини таъкидлади, шунинг билан бир қаторда аҳоли ўртасида оммавий-маданий ишларни активлаштириш борасида ҳали кўпгина масалалар ва тадбирларни амалга ошириш кераклигини ҳам уқтирди.

Район ижроия комитетининг маданият бўлими, райондаги маданий-оқартув муассасалари КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш ишининг турли форма ва методларидан фойдаланмоқда. Булар — тематик кечалар, театрлаштирилган байрамлар, савол ва жавоб кечалари, оғзаки журналлар, меҳнат ва уруш ветеранлари билан учрашувлар каби тадбирлардир.

Район кутубхоналарининг ходимлари ҳам бу борада ўзларининг муайян ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Лермонтов номли марказий кутубхонадаги «Орбита» клубининг машғулотлари қизиқарли ўтди. Чехов номли кутубхона қошидаги клуб ҳам кўпгина поэзия ишқибозларини ўзига жалб этган.

Район аҳоли яшаш жойларида айниқса янгича урф-одатларни турмушга киритишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ютуқлар билан бир қаторда, маданий-оқартув муассасалар ишидаги камчиликлар ва ҳал қилинмаган масалалар район маданият бўлимида кўриб чиқилди. Бу масала яқинда район Советининг бўлиб ўтган навбатдаги сессияси кун тартибига ҳам қўйилди. Районда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхши йўлга қўйишнинг аниқ тадбирлари ишлаб чиқилди. Шу тадбирлар комплекс плани асосида маданият ва санъат бўйича доимий комиссия район меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан ишларни амалга оширмоқда. Токи райондаги маданий-оқартув муассасаларининг коллективлари мамлакатимиз ва республикамизда муҳим воқеа ҳисобланган КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини қандай меҳнат ютуқлари билан кутиб олаётганимизни, совет турмуш тарзини кенг пропаганда қилишнинг олдинги сафида борсинлар.

**Л. ҲУСАНОВА,**
**халқ депутатлари Киров район Советининг маданият ва санъат бўйича доимий комиссия раиси ўринбосари.**

## Конвейердан янги тушди

### ПОЙАФЗАЛНИНГ ЯНГИ ТАГЛИГИ

«Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмасида эркаклар пойафзали учун мўлжалланган полиэфируретанли таглик ишлаб чиқарила бошланди. Бу қулай ва ихчам таглик шу йил ўзлаштирилган бўлиб, у пойафзалга елимлаш методи асосида бирлаштирилади.

Янги заготовка замонавий «ПАВИ» деб аталган автомат прессда тайёрланяпти.

Йилнинг иккинчи ярим йиллигида мазкур ярим фабрикатдан 78 минг сўмлик ёки бошқача айтганда 26 минг жуфти фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилади.

* * *

### СИФАТЛИ ВА ЧИДАМЛИ

Тошкент лак-бўёқ заводининг бош конвейерида ПФ—115 маркали оқ ва қора-кулранг эмаллар пайдо бўлди. Уларга давлат Сифат белгиси берилган. Янги бўёқлар сифатли ва узоқ муддатга чидайди.

Эндиликда корхонада фахрли белги билан тайёрланаётган бўёқлар хили бештага етди. Уларнинг умумий ҳажми ялпи маҳсулотнинг 11,5 процентини ташкил этади.

**Г. ВОҲИДОВА,**
**Ўзбекистон ССР Давлат стандарти ходими.**

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида вақтдан ўзиб ишлаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Каштачи Темирбека Идрисова ҳам шу кунларда 1986 йилнинг январь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: Т. Идрисова.

И. Шоиноғомов фотоси.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

## ИККИНЧИ ГРУППА САФАРИ

БУГУН

**102-автомобиль корхонаси ҳайдовчиларидан тузилган ҳашарчилар бригадасининг навбатдаги группаси Жиззах областидаги оталиқдаги хўжаликларга жўнаб кетди.**

Бу корхонанинг пахта йиғим-терим мавсуми бошланган кундан буён пахтакорлар оғирини енгил қилиш учун юборган ҳашарчиларнинг иккинчи группасидир.

Группа составида терим агрегатлари ремонти билан шуғулланадиган автолетучкалар ҳамда пахтазорларда «зангори кема»ларга капитанлик қилувчи ҳайдовчилар бор.

## *ИЖОД САМАРАСИ*

Тошкент тўқимачилик комбинатининг новаторлари беш йиллик бошидан буён иқтисод қилган маблағ ҳисобига фабрика қуриш мумкин. Комбинатда рационализаторнинг 76 та комплекс бригадаси ишлаб турибди. Бригадалар илғор ишчилар, инженерлар, цех ва ишлаб чиқариш лабораторияларининг бошлиқларидан иборат. Коллективнинг техника ижодиёти тўқимачиларга энг мураккаб вазифаларни ҳал этиш имконини бермоқда. Масалан, ип йигириш фабрикасининг мутахассислари ва ишчилари ипга ишлов беришнинг прогрессив усулини ишлаб чиқдилар. Бу усулни жорий этиш маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар йили 50 минг сўм иқтисод қилиш имконини берди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг новаторлари беш йиллик учун зиммага олинган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари уддаладилар. Улар завод жамғармасига планлаштирилганидан бир миллион сўмдан кўп маблағ қўшдилар. Рационализаторлар съезд олди вахтасида туриб, янги марраларни белгилаб олдилар. Корхонада қўл меҳнатини қисқартириш, хом ашёни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан энг яхши таклифлар учун тематик конкурслар эълон қилинди.

## *Республика бўйлаб*

### ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ УЧУН

«Узэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Намангандаги заводида инфрақизил нур чиқарадиган электр иситиш асбоблари ишлаб чиқарилди. Йил охиригача электротехниклар оғилхоналарни иситиш учун чорвадорларга мингта шундай аппарат жўнатиш мажбуриятини олдилар.

### ЯНГИ МАРШРУТЛАР

Фориш районида ишга тушган янги автокорхонада 80 тадан кўп енгил автомобиль ва юк автомобиллари бор. У совхоз посёлкаларини район маркази билан боғлайдиган маршрутларга хизмат қилади.

### РЕКОНСТРУКЦИЯ САМАРАСИ

Беш йиллик бошидан бери «Госкомсельхозтехника» бирлашмасининг Учқўрғон ремонт заводида маҳсулот ишлаб чиқариш беш баравар кўпайди. Корхонада ўтказилган реконструкциялаш натижасида шундай ютуққа эришилди. Бу ерда инструментал участка, шпиндель ва шпиндель барабанларини ремонт қилувчи цехлар қуввати оширилди.

### ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Сирдарё ГРЭСида бўйи 315 метрга борадиган шахта подъёмниги муддатидан илгари бузиб олинди. У станциянинг темир бетон мўрисини тиклашда опалубка вазифасини адо этганди. Энди монтажчилар мўри ичида металл ствол ўрнатишга киришадилар.

### МОСКВА БИЛАН АЛОҚА ЎРНАТИЛДИ

Бу йил Пахтакор шаҳри телефон станциясининг сиғими 500 номерга кўпайди. Бу ерда шаҳарлараро автомат линия ишга туширилди. Эндиликда шаҳар ва шаҳар атрофидаги совхозларнинг аҳолиси Москва, Ленинград, Киев, Рига билан бевосита район марказидан туриб гаплаша олади.

### ПОЙДЕВОР ҚУЙИЛДИ

Жиззах областидаги «Ғаллаорол» совхози территориясида топилган минерал тузларга бой Дорибулоқ ёнида қурувчилар янги корпусга пойдевор қўйдилар. У область бальнеологик ва физиотерапевтик шифохоналари комплексига киради. Бу ерда буйрак, меъда-ичак касалликлари даволанади. Бу бино ишга туширилиши билан шифохона бир йўла 450 беморни қабул қила оладиган бўлади.

### АРХИВГА ТОПШИРИЛДИ

Болалар боғчасидаги ўринга навбат рўйхати ёзилган дафтар Наманган областидаги «Украина» совхозининг архивига топширилди. 140 ўринли янги боғча ишга туширилиши билан бу муаммо ҳал этилди. Беш йиллик мобайнида совхозда учта болалар боғчаси қурилди. Бу боғчалар 420 ёш чўлқуварларни қабул қилиб олди.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

# ЖАДАЛ СУРЪАТ БИЛАН

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 11-«Висотстрой» трестининг азамат қурувчилари шаҳримизнинг кўпгина йирик объектларида жавлон уриб меҳнат қилмоқдалар. Улар шу кунларгача қўриб битказган осмонўпар бинолар, йирик маъмурий иморатлар шаҳримиз кўрки бўлиб қолмоқда.

Ана шу трестнинг 1-қурилиш бошқармаси бинокорлари шу кунларда Куйбишев ва 1 Май кўчалари кесишган чорраҳада қад кўтараётган бино қурилишида меҳнат қилмоқдалар.

— Етти қаватли бинога «Средазхимреметроймонтаж» тресги ва инженерлик лаборатория корпуси жойлашади, — дейди биз билан суҳбатда қурилиш прораби С. Кандатян. — Бино минг квадрат метрдан ортиқ майдонни ишғол этади, ҳамда чиройли архитектура кўринишига эга бўлиб, кўча кўркига чирой қўшади.

БУГУН

**ана шу бинонинг тўртинчи қавати қурилиши бошлаб юборилди. Унда Александр Игашкин етакчилик қилаётган бригада азаматлари тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар.**

— Бригадамиз ҳали ёш, — дея сўз бошлади А. Игошкин. — Энди икки ёшга тўлди. Ўн тўққиз қурувчи бирга меҳнат қиламиз. Иш нормаларини доим ортиғи билан бажарамиз.

Ҳа, ишчилар ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб фидокорона меҳнат қиляптилар.

Тўртинчи қаватдаги навбатдаги колонналар пайванд қилинмоқда. Пайвандлаш ишларини моҳирлик билан олиб бораётган Анатолий Соколов ва Петр Гараев кабилар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар ёшларга устозлик қилиб, электр пайвандчилик сирларини ўргатишяпти.

Ёш мураббий етакчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси республикамизда энг йирик, 4100 томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган кино-концерт зали қурилишида ишлаётган А. Баршуков раҳбарлигидаги бригадани социалистик мусобақага чақирган. Икки бригада раҳбарлари бир-бирларининг объектларида бўлиб, иш вақтидан унумли фойдаланиш, юқори кўрсаткичларга эришиш йўлларини ўрганмоқдалар ва тажрибаларини бригада аъзолари билан ўртоқлашмоқдалар.

КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга бел боғлаган азамат бинокорлар қўшимча социалистик мажбурият олиб, съезд очилиши арафасида қурилиш-монтаж ишларини тугаллашга аҳд қилдилар. 27 сентябрда ўтказиладиган комсомоллар шанбалигида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишиб, 10 та колонна ва 16 та ригелни монтаж қилишга, тежалган қурилиш материаллари ва электр энергия билан ишлашга ҳамда юксак унумдорликка эришиш учун шу кунданоқ жадал суръат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

## ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

### ЭҲМ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА

ПРАГА. ЧССР экономикасини ҳисоблаш техникаси билан таъминлаш тез суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда амалда ҳар бир йирик корхонада, ишлаб чиқариш бирлашмасида, министрликда электрон-ҳисоблаш машиналари ўрнатилган. Бу машиналар турли ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Кўпчилик ҳисоблаш машиналари социалистик мамлакатлар электрон-ҳисоблаш машиналарининг ягона системасига мансубдир. Ўтган йилнинг ўзидагина ЧССРга Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган 150 та электрон-ҳисоблаш машинаси келтирилди. Чехословакия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳисоблаш қурилмаларининг ҳар хил турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Чехословакия мутахассислари Совет ҳамкасблари билан жипс ҳамкорликда электрон-ҳисоблаш машиналари ягона системасидаги барча ҳисоблаш қурилмаларининг қарийб 26 процентини ишлаб чиқдилар ва синаб кўрдилар.

### *АЖОЙИБ ЮТУҚЛАР*

БЕРЛИН. Шу кунларда ГДР кооператорларининг иш кунлари мазмун жиҳатидан турлича, лекин чуқур ички алоқа билан боғланган икки воқеа билан нишонланди: далаларнинг меҳнатчилари донли экинлар ўрим-йиғимини муваффақиятли тугаллаганликлари тўғрисида рапорт бердилар ҳамда ер ислоҳоти ўтказила бошланган куннинг 35 йиллигини нишонладилар. Ер ислоҳоти қишлоқ хўжалигини социалистик негизда ривожлантириш учун замин яратди.

Ўтмишда камбағал бўлган немис деҳқони ҳаётида рўй берган ўзгаришларни ҳақиқатан ҳам жуда катта ўзгаришлар дейиш мумкин. Замонавий қишлоқ хўжалик машиналари қишлоқ ҳаётига маҳкам сингиб кетди. Ҳозирги вақтда кооператорлар 140 мингдан кўпроқ тракторга, 13 мингта комбайн ва бошқа машина-механизмларга эга.

Ленинча кооперация плани асосида қишлоқда содир бўлган социалистик ўзгаришлар ГДР шароитида хўжаликни коллектив юритишнинг шубҳасиз афзаллигини тасдиқлади. Чунончи, халқ ҳокимияти йиллари мобайнида республикада деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми икки баравар кўпайди, гўшт ва сут етиштириш тўрт баравар ортди. Ҳозир ГДР гўшт ва паррандачилик маҳсулотлари билан аҳолини мустақил таъминламоқда.

### ҚИЁФАСИ ЎЗГАРГАН ЎЛКА

БЕЛГРАД. Югославиядаги Бирач қишлоғи аҳолисининг тақдири кескин равишда ўзгариб кетди. Бир неча йил муқаддам бу ерда асрлар давомида таркиб топган патриархал укладни ҳеч нарса бузмас эди. Босния тоғлари орасида жойлашган шу қишлоқ чеккаларига геологлар, улар кетидан эса қурувчилар келишди. Бу ерда боксит рудасини қазиб чиқарадиган ва уни глинозёмга айлантирадиган улкан комплекс қад кўтарди. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий кўмаги билан барпо этилган «Бирач» заводи Югославияда технологияси жиҳатидан энг илғор корхоналардан бирига айланиб қолди. Заводнинг қурилиши илгари иқтисодий қолоқ бўлган ўлкани тубдан ўзгартириб юборди. Бинобарин, бундай ўзгаришларни ЮСФРнинг ҳамма жойида кўриш мумкин. Социалистик қурилишнинг ўттиз беш йили мобайнида ЮСФРда саноат ишлаб чиқариши 15 баравар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эса уч баравар кўпайди. Югославия корхоналари бир ойнинг ўзидагина урушдан авалги бутун 1939 йилда чиқарилганидан кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

### ТУРКИЯНИНГ ЯНГИ БОШ МИНИСТРИ

АНҚАРА. Туркиядаги ҳамма газеталар бош министр лавозимига истеъфодаги адмирал, Туркиянинг Италиядаги собиқ элчиси Бюлент Улусу тайинланганлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилди.

Матбуотнинг уқтириб ёзишича, янги ҳукумат бошлиғи флотда бир қанча командирлик лавозимларида ишлаган, НАТО қўмондонлигининг Мальтадаги Ўрта денгиз районида планлаштириш бўлимида хизмат қилган, Туркия олий ҳарбий кенгашининг аъзоси, ҳарбий денгиз кучларининг қўмондони бўлган. Бюлент Улуси янги ҳукуматни тузиш мақсадида Туркиянинг таниқли сиёсий арбоблари билан маслаҳатлашишга киришганлиги қайд этилмоқда.

* * *

ЛОНДОН. Туркияда ҳарбий маъмурият давлат тепасига келгандан кейин бу мамлакатдаги вазиятни шарҳлаган «Санди телеграф» газетаси Анқарадан олиб эълон қилган хабарида қуйидагиларни ёзади: миллий хавфсизлик кенгашининг кейинги кунларда эълон қилган декретлари мамлакат раҳбарларининг ваколатларини анча кенгайтиради. Туркияда ҳарбий маъмурият давлат тепасига келгач 10 мингга яқин киши қамоққа олинди, деб таъкидлайди «Санди таймс» газетаси.

### *ЛОТИН АМЕРИКАСИ ФОЖИАСИ*

ПАНАМА. Панамада чиқадиган «Матутино» газетаси ёзади: Лотин Америкасида 30 миллиондан кўпроқ киши, яъни меҳнатга қобилиятли бутун аҳолининг 30 проценти ишсиздир. Ишсизлик Лотин Америкаси мамлакатлари учун чинакам кулфатга айланиб қолди, бунинг устига ишсизлик камайиш бир ёқда турсин, йилдан-йилга ортиб бормоқда, деб таъкидлайди газета.

Гаитида ғоят мушкул аҳвол вужудга келди. У ерда ишсизлар сони меҳнатга қобилиятли аҳолининг 60 процентини ташкил этади. Гватемалада ҳам аҳвол ана шундай. У ерда ана шу кўрсаткич 40 процентдан ошади.

Ана шу мамлакатларда турмуш даражасининг ниҳоятда пастлиги ишсизлик билан чамбарчас боғлиқ. «Матутино» газетасининг қайд этишича, масалан Гаитида болаларнинг 90 проценти муттасил тўйиб овқат емасликдан жафо чекмоқда, шаҳарларда яшовчи оилалардан 40 процентининг даромади ойига 20 доллардан ошмайди. Гаити деҳқонининг ўртача иш ҳақи йилига атиги 63 долларга боради.

### *АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА*

БРАЗИЛИА. Бразилиа ташқи ишлар министри Рамиру Сарайва Герреру Совет-Бразилия муносабатлари, биринчи навбатда савдо-сотиқ ва экономика соҳасидаги муносабатларнинг аҳволидан мамнун эканлигини билдирди.

У «Сеньор» журналининг мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади: ҳозирги вақтда иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ кучайиб тобора хилма-хил бўлиб қолмоқда. Шу соҳада самарали ҳамкорлик қилиш имкониятлари конкрет равишда ўрганилмоқда. «Савдо соҳасидаги иккала мамлакатнинг потенциал имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш учун жуда соз истиқболлар мавжудлигига ишонаман», — деди Рамиру Сарайва Герреру.

МПЛА — Меҳнат партияси ва Ангола Халқ Республикасининг ҳукумати ёш авлод тарбиясига катта эътибор бермоқда. Партия ва давлат раҳбарлари Ангола мактаблари зиммасига биринчи даражали муҳим вазифалар юклатилганлигини, бу вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан миллий қурилишдаги муваффақиятларни таъминлашини таъкидламоқдалар. Йигит ва қизларни ўқиш ва ёзишга ўргатибгина қолмай, уларни ватанига ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялаш ана шу вазифалардан биридир. СУРАТДА: анголалик ўқувчилар.

## САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

# ЧИНИҚИШ — СОҒЛИҚ ГАРОВИ

**Ҳурматли редакция! Аёл ҳомиладорлик вақтида юрак-қон томир касаллиги бўлса, бу дардни қандай ўтказади, бу пайтда нималарга эътибор бериш керак? Шу ҳақда маслаҳат берсангиз.**

**Гулноза ШЕРМАТОВА,** уй бекаси.

Ички касалликлар ичида энг кўп учрайдиган касаллик юрак қон-томир касаллигидир. Ревматизм —бод касаллиги ўз вақтида тўла даволанмаса, оғир юрак касаллигининг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Хотин-қизлар консультациясида аёлни ҳар тарафлама текширганда оғиз бўшлиғини, тишларни, муртак безларини ҳам кўриш керак.

Агар аёл ҳомиладорликдан олдин тез-тез ангина билан оғриган бўлса, ўзича даволанган бўлса ҳомиладорлик вақтида юрак касаллиги борлигидан дарак беради. Аёл тез чарчайдиган, бекувват бўлиб, қўл, оёқлари увишиб қолиши, айрим вақтларда чап қўлининг кураги остида оғирлик сезилиши мумкин. Айрим вақтларда эса юрак қон-томир касаллиги бошқа ички касалликлар билан бирга ҳам учрайди, яъни қон босимининг ошиши (гипертония) буйрак касалликлари билан бирга кечади.

Юрак касалликларидан энг кўп учрайдигани ревматизм — бод касаллигининг асорати ҳисобланувчи миокардит, миокардитдистрофия ва юрак пороги касаллигидир. Бу касалликлар кўпинча баҳор, куз фаслида қайталаниб (рецидив) бериб туради. Шунинг учун баҳор ва кўз ойларида организмнинг қуввати сусайган вақтда касаллик қайтарилмаслиги учун врач маслаҳати билан иш тутилса, бола дунёга асоратсиз ва нормал келади.

Хотин-қизлар консультациясига аёл биринчи марта келганида, қандай ички касалликлар билан оғриганлигини врачга айтиши ва тўлиқ комплекс текширишлардан ўтиши шарт. Айрим вақтларда кўп туққан аёлларимиз ўзларининг соғлиқларига бепарво қарайдилар, даволанишни охиригача етказмайдилар.

Юрак касаллиги она организмигагина таъсир этмай, ҳомилага —болага салбий таъсир кўрсатади. Аёл юрак қон-томир касаллиги билан ҳомиладан олдин ва ҳомиладорлик вақтида туғруқхонада ётиб даволаниши ва доимо ички касалликлар врачи назоратида бўлиши керак.

Маълумки, айрим ойларда организмда витаминларнинг камайиб кетиши натижасида организм кучи пасаяди, шунинг учун сервитаминли, тез ҳазм бўлувчи овқатлар билан бирга, юрак касаллигига керакли дори-дармонлар олиш керак.

Юрак касаллиги билан оғриган аёл чилла даврида ўзини эҳтиёт этишини ички касалликлар врачи билан акушер-гинеколог назорат этиб туриши керак. Юрак қон-томир касаллиги билан оғриган аёл йигирма бир кун чилла даврида оғир иш қилмаслиги, шахсий гигиенага риоя этиши, енгил физкультура ва спорт билан шуғулланиши, ўз вақтида овқатланиши лозим. Ҳар куни икки-уч соат тоза ҳавода бўлиши, ётадиган хонанинг дарчасини (форточкани) кечқурунлари очиб қўйиш юрак ва томирларда қон айланишига яхши таъсир этади.

Аёл оғир юрак қон-томир касаллиги билан оғриган бўлса, туғруқ патологик ўзгаришлар билан тугаган бўлса чилла даврида терапевтик касалхоналарда ва санаторийларда ётиб даволаниши айни муддао бўлади.

Юрак қон-томир касаллигининг олдини олиш учун аввало организмни чиниқтириш, турли сурункали касалликларни даволаш ҳомиланинг нормал ўсиши учун гаров бўлади.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли республикамизда кундан-кунга она ва болаларга медицина хизмати кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда. Она ва болани даволайдиган илмий текшириш институтлари, шифохоналар, санаторийлар уларга доим хизматга тайёр турибди.

**С. ИСМОИЛОВА,**
**медицина фанлари доктори.**

АБУ АЛИ ИБН СИНО

# ТИББИЙ НАСИҲАТЛАР

● Билгинки, фаровонлик йилларида кўп еб, қаҳатчилик йилларида оч туришдан ва бунинг аксидан ёмонроқ ҳолат йўқдир.

● Ейилган овқат ўзининг кайфияти ва миқдори билан пульснинг ҳолатини ўзгартиради. Овқатнинг кайфияти гавдани қизишга ва совутишга мойил қилади ва пульс шунга қараб ўзгаради.

● Иссиқ шамол пайтида кимки ташна бўлса, оғзини сув билан чайқаш кифоя қилади, тўйиб ичмайди, тўйиб ичса, ётган жойида ўлади.

● Совуқда сафар қилувчи киши йўлда оч бўлмаслиги керак. У тўйгунча овқат еб, сув ўрнига шароб ичсин. Булар қоринда жойлашиб, қизиргунча сабр қилиб, кейин йўлга чиқмоғи керак.

● Билгинки, ташналик ич суришни тўхтатиш керак бўлган вақтни билдирадиган аломатдир.

● Кўлмак сувлар қандай бўлишларидан қатъий назар, меъдага мувофиқ келмайди.

● Шимолда овқат яхши ҳазм бўлади ва кишилар узоқ умр кўрадилар.

● Кўпинча, агар куз қуруқ келса, касалликлар кўпаяди. Айниқса, куз олдида иссиқ ёз келган бўлса, чечак кўпаяди.

● Билгинки, тортиб кўриш сувнинг сифатини аниқлашда қулай усуллардан биридир. Енгилроқ сув кўпинча яхшироғи бўлади.

● Кўп ҳолларда бетнинг ранги жигар туфайли сариқ ва оқликка, талоқ туфайли сариқ ва қораликка айланади, аммо бу доимий бўлмай, баъзан ўзгариб туради. Гавдада туриб турган ва тинч турган томирларнинг мижозини билиш учун тилнинг ранги кучли далилдир, миянинг мижозини билиш учун эса кўзнинг ранги кучли далилдир.

● Буқрот ҳаким айтганидек, дори ҳам тозалайди, ҳам зарар етказади.

● Хотинлар мижози юзасидан эрлардан совуқ мижозлидирлар.

● Агар барча нервлар бош миядан ўсиб чиққанда, бош ҳозиргидан кўра кўп марта катта бўлган бўлар ва шубҳасиз, танага уни кўтариб юриш оғир бўлар эди. Ундан ташқари, (нервга гавданинг) энг узоқ чеккаларига етмоқ учун узоқ масофа ўтиш тўғри келар ва у зарарланиш ва узилиш (хавфигача) дуч келар эди. Нерв узун бўлганда унинг оғир органлари ва ўз бошланиш жойларига тортиш қобилияти сусайган бўлар эди.

БУНИ ЕДИНГИЗДА ТУТИНГ!

## ИЧКИЛИК ВА ДОРИ

Ичкилик (алкоголь) ва дори бир-бири билан чиқиша олмайди. Совет олимлари алкоголь кўпгина дориларнинг таъсир механизмини бузишини аниқладилар. Масалан, бутамид деган дори (уни қанд касаллиги бор беморларга буюрилади) алкоголга қўшилганда амалда фойдаси бўлмайди.

Аксинча, ичкилик ичадиган кишиларга эса элениум, седуксен, тазепам каби дорилар кучли таъсир қилади. Алкоголь таъсирида кўпгина дори препаратларининг ножўя таъсири ортади.

Тиш касалликларининг олдини олиш—шаҳар стоматология хизмати ҳал этаётган муҳим вазифалардан биридир.

СУРАТДА: 7-стоматология поликлиникасининг врачи М. Қосимова беморнинг тишларини кўздан кечирмоқда.

▲ БИЛАСИЗМИ?

## САРИҚНИНГ ТАРИХИ

Сариқ касаллигининг юқумли хасталик эканлиги XIX асрнинг охирида улуғ рус олими С. П. Боткин томонидан асослаб берилган эди. Шу боисдан у «Боткин» касаллиги деб ҳам юритилади. Халқимиз ибораси билан айтганда, кўз оқи ва тери сарғайиши билан кечадиган бу хасталик сариқ касаллиги дейилади.

Юқумли бу касалликка кўпинча болалар чалинишади. Овқатдан кейин бемор кўкрак тагида бирон нарса қадалгандек, қорин шишиб бораётгандек ҳис қилади. Кўпинча жигар ва ошқозонда оғриқ қўзғалади. Болаларда сариқ касаллиги пайдо бўлганини сезсангиз, тезда врачга мурожаат қилинг.

∴ ∴ ∴

## РУҲИЙ ТЕТИКЛИК

Маълумки, кайфият асосан асаб системасининг ҳолати демакдир. Инсоннинг асаб системаси жуда нозик. Организмда содир бўлган кичкина ўзгариш ҳам, ташқи муҳитнинг анчаки таъсири ҳам асабга таъсир кўрсатади.

Ҳар хил хасталиклар туфайли киши организми ёки тўқималарида содир бўлган ўзгаришлар ҳам кайфиятнинг бузилишига олиб келади. Шундай экан, яхши кайфият ва ҳиссиётни, руҳий тетикликни болаликдан тарбиялаш керак.

▲ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## АГАР АРИ ЧАҚСА...

**Одамни ари чаққанда қандай даво чорасини кўриш керак?**

**М. ШАРОПОВА, ёш она.**

Ари чаққан жой териси қизаради, шишади, оғрийди, ачишади. Одатда бу ҳодисалар ўтиб кетади.

Шундай ҳам бўладики, одамни бир талай ари талайди. Бунда умумий токсик реакция юзага келади, организм ўзига хос заҳарланади: бош айланади, оғрийди, кўнгил айнийди, одам беҳол бўлиб қолади, баъзан эса одам қайт қилади, юраги тез ура бошлайди, тери юзасида майда-майда пўрсилдоқлар пайдо бўлиб, қаттиқ қичишади. Баъзиларнинг бўғимлари оғрийди, бурнидан кўп ажралма келади, нафас олиши қийинлашади, ҳатто нафаси бўғилиб қолиши, иситмалаши, ҳушдан кетиши ҳам мумкин.

Парда қанотлилар заҳарига жуда сезгир одамлар ҳам бўлади. Уларни битта ҳашарот чақса ҳам заҳарли таъсир қилиши мумкин. Агар одамни асалари, ари ёки қовоқ ари чақса, пинцет ёки нина билан унинг нишини теридан суғириб олинади (зирапчани суғуриб олган каби), сўнгра тоза бинтни совуқ сувда ҳўллаб, шу жойга қўйилади.

Агар ари чаққан жой қаттиқ реакция берса, нишни тортиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, албатта. Бундай ҳолда тез медицина ёрдами зарур бўлади. Шунинг учун тез ёрдам машинасини чақириш ёки беморни даволаш муассасасига олиб бориш керак. Врач келгунча эса заҳар тарқалиб кетмаслиги учун чора-тадбир кўриш лозим. Шу туфайли агар ари қўлни ёки оёқни чақса, шу жойнинг тепасидан ва пастроғидан жгут қўйиш керак бўлади, тери шикастланмаслиги учун жгут тагига газлама қўйилади. Жгутни кўпи билан бир ярим соат қўйиш мумкин.

Ари чаққан жойга дастрўмол, бир бўлак дока, бинт ёки пахтани совуқ сувга ҳўллаб қўйинг. Шу материални тез-тез алмаштириб туриш айни муддао бўлади.

**М. ОРИФЖОНОВА**
тайёрлаган.

Атроф-муҳит муҳофазасига—муҳим эътибор

# АВТОМОБИЛЬ ВА ШАҲАР ҲАВОСИ

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

**Туғилган кунининг 1000 йиллиги кенг нишонланаётган Шарқнинг буюк олими Абу Али ибн Сино: «Агар чанг ва аччиқ ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшарди» деганди. Ҳамон шундай экан, шаҳарлар ҳавосининг мусаффолигини таъминлашнинг кишилар саломатлиги учун аҳамияти беқиёсдир. Бунда шаҳарларда автомобиль паркининг ўсиб бориши билан бирга автотранспортнинг атроф-муҳитнинг ифлосланишига қўшаётган «улуши» ортиб бораётганлиги эътиборни тортади. Бу дунёдаги барча катта ва кичик шаҳарлар учун умумий проблемадир. Бизнинг шаҳримизда бу проблема қандай ҳал этиляпти? Бу борада қандай ютуқ ва камчиликларимиз бор? Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги А. З. ФЕДОРИШЧЕВ билан суҳбати шу мавзуга бағишланган.**

**— Алексей Захарович, шаҳримизда ҳавонинг автотранспортдан чиқаётган заҳарли газлар билан булғанишига қарши кураш қандай ташкил этилган?**

— Бизнинг асримиз инсоният фаолиятининг барча соҳаларида зўр фан-техника тараққиёти, инсон ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборган туб ўзгаришлар асри, радио ва телевидение, ҳаво алоқаси ва метрополитен кенг ривожланган ва оммалашган асрдир. Фан ва техниканинг буюк муваффақиятлари орасида автомобиль транспорти ҳам катта ўринни эгаллайди. Ҳозир иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳаётини, айниқса шаҳар ҳаётини автомобиль транспортисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотларини, барча саноат буюмларини савдо тармоқларига ташиш, йўловчилар ташиш автотранспорт орқали амалга оширилади. Автобуслар ва енгил таксилар ҳар бир шаҳар учун ғоят зарур бўлган техника воситаларидир. Автомобиллардан фойдаланмасдан ҳозирги улкан қурилиш иншоотларини бунёд этишни, йирик саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришни тасаввур этиш қийин.

Аммо XX асрдаги илмий-техника тараққиёти инсон билан табиат орасидаги мулоқот доирасини ўзгартириб юбораяпти. Саноат ўсган, транспорт юксалган сари улардан чиқиб, ҳавони булғаётган заҳарли газлар миқдори ҳам кўпайиб бораяпти. БМТ маълумотларига қараганда, ҳар йили атмосферага 300 миллион тонна углерод окиси чиқар экан. Шундан 60 процентдан ортиғи автомобилларга тўғри келар экан. Бизнинг кўпчилигимиз ўртача автомобиль бир йил ишлаганда ҳавога 800 килограмм углерод окиси, тахминан 40 килограмм азот окиси, 200 килограммдан кўпроқ турли хил углеводородлар чиқаришини билмаймиз. Бу рақамни ҳар куни йирик шаҳарларнинг кўчаларида қатнайдиган минг-минглаб автомобилларга кўпайтирсак, нақадар нохуш статистика ҳосил бўлишини тасаввур этиш қийин эмас. Ҳавонинг чиқинди газлар билан ифлосланиши ва шовқин натижасида кишининг асаблари бўшашади, меҳнат унумдорлиги камаяди, айниқса нерв ва қон томир касалликларининг кўпайишига қулай шароитлар юзага келади.

Тошкент шаҳар партия ва совет органлари ҳавонинг чиқинди газлар билан ифлосланиши ва шовқинга қарши курашга катта эътибор беришяпти. Бу тушунарли албатта. Совет кишисининг саломатлиги—давлатимизнинг энг катта бойлигидир.

Тошкент шаҳар транспорт хўжалигида ҳавонинг чиқинди газлар билан ифлосланиши ва шовқинга қарши бир неча йўналишда кураш олиб бориляпти. Шу мақсадда конструктив, технологик, эксплуатацион характердаги тадбирларнинг кенг комплексидан (жумладан, ишда газ анализаторлари ва шовқин ўлчагичларни жорий этиш, фойдаланилаётган ёнилғи сифатини, унинг ёнишини, карбюраторлар параметрларини, ундан фойдаланишни назорат қилиш ва бошқалар) фойдаланиляпти. Шаҳримизда газ баллонли машиналар пайдо бўлганлиги ҳам бу борадаги яхши тадбирдир. «Главташпассавтотранс»га қарашли 3-таксомотор паркида Горький автомобиль заводида ишлаб чиқарилган табиий газда ишловчи «Волга» автомобиль машиналаридан муваффақиятли фойдаланила бошланди. Бу машиналар ҳавога чиқадиган углерод окиси ва углеводородларни бензинда ишлайдиган машиналарга қараганда 3—5 баравар кам чиқаради. Янги турдаги бундай такомиллашган машиналар ёнилғининг тўла ёнишига имкон беради, машинадан фойдаланиш даражасини бирмунча оширади ва двигателнинг умрини анча узайтиради.

Бу айни пайтда бензинни тежаш ва машиналардан фойдаланиш таннархини арзонлаштириш имконини беради. Демак, ҳавони ифлослантириш ва машиналардан фойдаланиш таннархи камайиши каби кўрсаткичлар газ баллонларида ишлайдиган автомобилларнинг истиқболли эканлигини очиқ-равшан кўрсатиб турибди.

**— Ҳавони энг кўп қайси транспорт воситалари булғайди?**

— Ҳавони энг кўп юк машиналари, автобуслар ва мотоциклар булғайди. Шу муносабат билан ҳавонинг ифлосланишига қарши курашда биринчи навбатда транспортнинг мана шу воситаларини профилактика қилишга эътибор берилаяпти.

Албатта, мутлақо шовқин чиқармайдиган ёки мутлақо тутун чиқармайдиган автомобилни хаёл қилиш ноўрин. Лекин ундан чиқадиган газларни камайтириш, шовқинни пасайтириш амалга оширса бўладиган вазифа.

Шаҳардаги йирик автохўжаликларда транспортнинг техник ҳолатини мунтазам назорат қилиш йўлга қўйилган. Бунда машинадан чиқаётган тутуннинг кўп ва озлиги, ёнилғи босими, ёнилғининг батамом ёниши текширилади. Тутун ва газ анализаторлари натижаларига қараб, двигателнинг аҳволи аниқланади. Бироқ, ҳамма автохўжаликларда ҳам газ анализаторлари мавжуд деб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда хусусий автомобиллар ВАЗ автомарказида техник кўрикдан ўтади. Бу ўз вақтида чиқинди газларни камайтириш ва шовқинни бартараф этиш имконини беради. Майда хўжаликларда эса бу иш талаблар даражасида амалга оширилмаяпти. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети майда автохўжаликларни йириклаштириш ва улар қошида ремонт базалари ташкил этиш бўйича қарор қабул қилишган.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси томонидан двигатели техник жиҳатдан носоз бўлган ёки ёнилғи аппаратлари созланмаган, бунинг натижасида ҳавога кўп тутун чиқарадиган ва шовқини юқори бўлган автомашиналардан фойдаланишни таъқиқлаш бўйича кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Шу мақсадда гараждан йўлга чиқиш олдидан, бевосита йўлларнинг ўзида план бўйича амалга ошириладиган мавсумий техник кўриклар пайтида транспортнинг техник ҳолати кўздан кечирилади. 1976—79-йиллар мобайнида 20 мингдан ортиқ автомобилдан фойдаланиш таъқиқланди. Шундан 10 мингга яқини двигатели ортиқча тутун чиқарадиган автомобиллардир.

Айниқса, «Главташпассавтотранс»га қарашли 2-автопарк, Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг 1-автобазаси, «Главташкентстрой»нинг 4, 5, 10-автокорхоналари автомобиллари шаҳримиз ҳавосини кўп булғаяпти. Бунинг сабаби ёнилғи аппарати нотўғри созланиши, двигателларнинг поршенлари носозлиги ва ёнилғи сифати яхши эмаслигидадир.

«МАЗ», «КРАЗ», «Икарус» маркали автомобилларда айниқса ёнилғи форсункалари нотўғри созланиши сабабли ҳавога кўп тутун чиқиши кузатиляпти. Бундан ташқари машинага керагидан ортиқча юк ортиш, нобоп ёнилғидан фойдаланиш, двигателнинг яхши ишламаслиги, иш шароити оғирлиги туфайли ҳам машиналар кўп тутун чиқаради. Шунинг учун ҳам автомобилларга техника хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва уларнинг ҳолатини назорат қилиш, назоратнинг ягона системасини ташкил этиш чиқинди газларнинг автомобилнинг бутун хизмат муддати мобайнида белгиланган миқдорда чиқишини таъминлашга қаратилиши лозим.

**— Атроф-муҳитнинг автотранспортдан чиқадиган чиқинди газлар билан ифлосланиши ортиб бораётган бир шароитда автотранспорт ва йўловчи ҳаракатининг мувофиқлиги қандай аҳамият касб этади?**

— Автотранспорт ҳаракати кўчаларда тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда транспорт ва йўловчининг ҳаракатини илмий асосда, тўғри ташкил этиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ҳаводаги чиқинди газларни камайтиришда ҳаракатни бошқаришнинг техник воситалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозир шу нарса маълумки, автомобиль қанча тез ҳаракат қилса, (соатига 60—70 километр атрофида) ва қанча кам секинлаб, яна тезликни оширса, ундан чиқадиган тутун ҳам, шовқин ҳам оз бўлади.

Яқин вақтларгача Тошкент шаҳрида светофорларнинг иш режими транспорт ҳаракати суръатига мос келмасди. Автомашиналар тез-тез чорраҳаларда тўхтаб, тўпланиб қоларди. Ҳозирги вақтда светофорлар транспорт миқдорига мувофиқ равишда бошқарилаяпти. Бу сўзсиз, чиқинди газлар даражасини анча камайтиришга таъсир қилади.

Шаҳарда Шота Руставели, Лоҳутий, Пролетар, Пушкин кўчалари, Луначарский шоссеси ва Навоий кўчасида 40 та чорраҳада кўча ҳаракатини мувофиқлаштириш бошқариш системаси —«ТСКУ— ЗМ» ишлаб турибди. Бу транспортга тўхтамасдан ҳаракат қилиш имконини беради. Бунинг натижасида ҳам машинанинг қўзғалиш ва тезликни ошириш пайтида ҳавога чиқадиган тутун анча камаяди.

Ҳавонинг ифлосланиш даражасини камайтириш мақсадида шаҳар марказидаги магистралларда юк транспортининг юриши таъқиқланди. Бундай машиналар эндиликда шаҳар ҳалқа йўлидан ва атрофдаги йўллардан юраяпти. Транзит автомобиллар шаҳар автоинспекцияси ходимлари томонидан ҳалқа йўл орқали юргазиляпти. Шаҳар марказида ҳаракат сийраклашиши натижасида тезлик ортиб, автомобилларнинг ҳавога тутун чиқариши камаймоқда.

Бундан ташқари йўл ҳаракатини бошқаришнинг «АСУ—Д» «Шаҳар—М» автоматлашган системасини қуриш тугалланяпти. Бу система транспорт ҳаракати қалин бўлган чорраҳаларда ҳаракатни бошқариш ва шу асосда уларда машиналарнинг тўхташини камайтириш имконини беради.

Давлат автомобиль инспекцияси ҳаракатни ташкил этиш схемасини ишлаб чиқишда мунтазам иштирок этяпти, шовқинни ва ҳавонинг ифлосланишини камайтириш мақсадида янги йўллар қурилишини назорат қиляпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1975 йил 27 мартдаги қарорига биноан шу беш йилликда шаҳарда 21 та йўл қурилади, реконструкция қилинади, 3 та ер ости ўтиш йўллари бунёд этилади. Ҳавонинг ифлосланиши ва шовқинни камайтиришга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам амалга ошириляпти.

**— Юзага келган проблема муносабати билан шаҳар жамоатчилиги зиммасига қандай вазифалар юкланади?**

— Ҳавонинг транспорт томонидан ифлосланиши ва шовқинга қарши кураш мураккаб, комплекс проблемадир. Уни муваффақиятли ҳал этиш учун олимлар, конструкторлар, врачлар, транспорт ходимлари ва бошқа соҳаларнинг мутахассислари кўп куч ва ғайрат сарфлашлари лозим бўлади. Ана шундагина бу масала у ёки бу даражада ижобий ҳал этилиши мумкин.

Шу муносабат билан шаҳар корхоналарида яхши жиҳозланган диагностика станциялари, техник хизмат кўрсатиш станцияларида эса, назорат-регулировка пунктлари бўлиши лозим. Автохўжаликларда бош инженерлар раҳбарлигида автомобилларнинг ортиқча тутун чиқаришига қарши курашувчи таъсирчан группалар тузиш зарур. Йўллардан назоратни амалга оширадиган кўчма лабораториялар ташкил этиш ва уларни яхшилаб жиҳозлаш, газ анализаторлари ва шовқин ўлчагичларни кенг жорий этиш айни муддао.

Ҳар бир автомобилга техник хизмат кўрсатишни ва унинг ҳолатини назорат қилишни таъминлаш, диагностик тадқиқотларнинг бошқа турларини ташкил этиш имкониятларини ўрганиш муҳим вазифадир. Диагностиканинг замонавий методларини жорий этиш хизмат кўрсатишда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам, шунингдек, ҳавога чиқинди газларнинг чиқишини камайтиришда ҳам яхши техник-иқтисодий афзалликлар беради.

Министрликлар ва маҳкамалар майда автохўжаликларни йириклаштириш, ёнилғи аппаратуралари ва двигателларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонтдан чиқариш бўйича намунали участкалар ташкил этиш борасида чора-тадбирлар белгилашлари зарур.

Давлат автоинспекцияси ходимлари ўз навбатида шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходимлари билан биргаликда транспорт воситаларининг техник ҳолатини кузатишни яхшилаш, автотарнспорт корхоналари раҳбарларининг транспортнинг ҳолатига бўлган масъулиятини ошириш йўлида мумкин бўлган ҳамма ишларни қиладилар.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси табиийки, атроф-муҳитнинг чиқинди газлар билан ифлосланиши ва шовқинни камайтиришда сезиларли аҳамиятга эга бўлади.

Суҳбатни
**А. ЭГАМНАЗАРОВ**
ёзиб олди.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

## ЭСКИ АРИҚНИНГ СИРИ...

Бухоронинг кўҳна ариғи Шоҳруд электр маржонига беланди. Ҳозир порлаб турган чироқлар унинг қадимги ўзанини чизиб тургандек туюлади. Реставраторлар тарихий хроникалар ва сақланиб қолган ҳужжатларга асосланиб каналнинг бутун 5 километрлик трассасини тикладилар. Бир вақтлар бу канал шаҳарни сув билан таъминлаб турарди. Бир неча асрлар мобайнида ариқни икки метр қалинликда лой босиб, кейин қурилган иморатларнинг пойдеворлари остида йўқолиб кетган эди.

Реставраторлар кўҳна ариқ сирини очиб, унга бетон ётқиздилар, мармар билан безадилар. Шундай қилиб, Шоҳруд Бухоронинг янги кварталлари орқали машҳур Лабиҳовузга сув бера бошлади. У шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига яна оби-ҳаёт эҳсон этмоқда, маржон чироқлар эса оқшомлари канал атрофидаги қадимги меъморий ёдгорликлар жамолини очмоқда.

(ЎзТАГ).

Республика Маданият министрлигининг марказий кўргазмалар залида Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Унда кўпгина бадиий полотнолар, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш қилинмоқда.

СУРАТДА: кўргазма экспонатлари ҳузурида.

М. Нуриддинов фотолари.

# МУНОСИБ ТУҲФА

Буюк аллома Абу Али ибн Сино туғилган куннинг минг йиллик тўйига ҳайкалтарош ва рассомлар муносиб совғалар яратдилар. Ибн Синога бағишланган кўпдан-кўп расмлар чизилган ва ҳайкаллар яратилган. Олимнинг бош чаноқсуратини 1956 йили академик В. Терновский тиклаган эди. Уни асос қилиб олган машҳур антрополог М. Герасимов Ибн Синонинг дастлабки суратини яратди. Лекин рассом чанок тузилиши таҳлилида баъзи ноаниқликларга йўл қўйиб, чекилган эди. Медицина фанлари доктори, профессор Юсуф Отабеков ва доцент Шавкат Ҳамидуллинлар ҳамкорликда олим портретининг математик моделини яратишди ва бош суягининг олд қисмига аниқлик киритдилар. Ҳайкалтарош Евгения Семёновна Соколова алломанинг бадиий бюстини ясади. Бу бюст алломанинг нисбатан мукаммал қиёфасини ифодалади.

Ҳайкалтарош Н. Нам яратган «Ибн Сино бюсти» ҳам алломанинг 1000 йиллик тўйига туҳфа тариқасида тақдим этилди. Т. Саъдуллаевнинг «Ибн Сино портрети»да олимнинг хаёл, тафаккур ва илҳом оғушида ўтиргани тасвирланади.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти ҳамда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Чингиз Аҳмаров Бухоро газчилари қурган муҳташам бино— Абу Али ибн Сино номидаги фан ва маданият саройининг деворларини аллома ҳаётига доир турли тасвирдаги расмлар билан безади. Булар «Олимнинг дунёга келиши», «Илм даргоҳига кириш», «Китоб мутолааси», «Донолар гурунгида», «Фараджон қалъасидаги зиндонда», «Ибн Сино—жарроҳ», «Инсонлар саломатлиги йўлида», «Бебаҳо мерос —келажак авлодларга», «Аллома тафаккурда» деб аталган.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Қутлуғ Башаров ибн Сино ижодига доир бир қатор сюжетли расмлар яратди.

Рассом А. Бакировнинг «Абу Али ибн Сино» портрети ҳам буюк олимнинг нурли сиймосини жонли акс эттирганлиги билан ажралиб туради.

Абу Али ибн Сино сиймоси, номи ва минг йиллик тўйини чинни буюмларда, зардўзликда, керамикада, хуллас, амалий санъат асарларида ёрқин акс эттирилди.

Республикамиз ҳайкалтарош ва рассомларининг бу шарафли меҳнатлари улуғ аллома тўйига муносиб совғалар бўлиб қолади.

## ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Б. СОАТОВ: Мен балоғатга етмаган ишчи ёшлар меҳнат отпускасига чиқаётган пайтларида улар бир қатор имтиёзлардан фойдаланади, деб эшитдим. Шу тўғрими?**

**Жавоб:** 18 ёшга тўлмаган барча шахсларга бир календарь ойи миқдорида меҳнат отпускаси бериш белгиланган. Катта ёшдаги ишчиларга қараганда балоғатга етмаган шахсларга бунчалик узоқ муддатли отпуска берилишидан кўзда тутилган асосий мақсад уларнинг сиҳатсаломатлигини муҳофаза этишдан иборатдир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, балоғатга етмаган ишчи ва хизматчилар отпускага чиқаётган пайтларида уларга яна бир имтиёз берилади. Бундай категориядаги ишчи ва хизматчиларга отпускалар ўз пайтида ёки уларнинг хоҳишига кўра йилнинг истаган пайтида берилади.

∴ ∴ ∴

**С. УБАЕВА: Айтингчи, шаҳримизда рақс студиялари ёки рақс тўгараклари борми? Бор бўлса шундай студиялар қаерда жойлашган?**

**Жавоб:** Шаҳримиздаги барча маданият саройлари, маданият уйлари ва клублари қошида рақс студиялари ва тўгараклари ишлаб турибди. Тўқимачилар, пойафзалчилар маданият саройида, агрегат заводининг маданият саройида, Глиэр номидаги ва «Юность» маданият уйида, Усмон Юсупов номидаги маданият уйида шундай рақс студиялари мавжуд. Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида эса баль рақслари мактаби ишлаб турибди. Бинобарин, Сиз рақс студияси ёки тўгарагига кирмоқчи бўлсангиз ва ана шу тўгаракларга қабул қилиш шартлари ва муддатларини билмоқчи бўлсангиз юқорида айтиб ўтган рақс студиялари ва тўгаракларининг бирига бориб учрашишингизни маслаҳат берамиз.

∴ ∴ ∴

**Ф. ИСКАНДАРОВА: Соғлиққа зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ҳомиладор аёллар корхона маъмуриятидан ўзларини бошқа, енгилроқ ишга кўчиришларини сўраб мурожаат қилиши мумкинми?**

**Жавоб:** Соғлиққа зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ҳомиладор аёллар бошқа енгилроқ ишга кўчиришга муҳтож бўлсалар, бундай ҳолларда улар иш жойидан врачлик консультация комиссияси (ВКК)дан уни вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш зарурлигини кўрсатувчи медицина хулосасини ўзи ишлаётган корхона ёки муассаса маъмуриятига олиб келиб беришлари лозим. Ана шундай хулоса бўлган тақдирдагина корхона ёки муассаса маъмурияти бундай категориядаги ишчи ва хизматчи аёлларни бошқа ишга ўтказиши керак.

∴ ∴ ∴

**М. ШОКИРОВ: Шаҳримизда меҳмонхона хўжалиги соҳасида ишлайдиган мутахассислар тайёрлайдиган янги техникум очилди, деб эшитдим. Шу техникум қаерда жойлашган?**

**Жавоб:** Меҳмонхона хўжалиги техникуми йўлдош шаҳар— Сергелида жойлашган. Бу янги техникумда меҳмонхона хўжалигида иш юритувчи мутахассис кадрлар тайёрланади.

∴ ∴ ∴

**О. РАҲИМОВ: Менга электрон қўл соатларини ремонтдан чиқарадиган устахона адресини берсангиз.**

**Жавоб:** Весна кўчасидаги 223-уйда «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Ана шу бирлашманинг қабул пунктларида электрон қўл соатлари ремонтдан чиқарилади. 91-08-84 рақамли телефондан шу хусусдаги қўшимча маълумотларни олишингиз мумкин.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IX да **Келинлар қўзғолони**, 25/IX да **Соқов рицарь**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/IX да **Ўжарлар**, 25/IX да **Зебизебона**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IX да **Отасининг қизи**, 25/IX да **Отилмаган ўқ**.

## ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«КУЛГИ КЕЧАСИ»** ва **«ИНТЕРЦИРК-80»**, **ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

## КИНО

**24 СЕНТЯБРДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«ҚЎЛОВЧИЛАРНИ СЕВИШ КЕРАК»— **Восток.**

«АСРЛАР НИДОСИ» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги.**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ҲАЁТ ГЎЗАЛ»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ПЕТРОВКА—38» — **«Қозоғистон»** (тоқ соатларда), **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 46-23-16).

«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОН» —**Искра** (17, 19.45, жавоб берувчи автомат телефон 39-14-59).

**25 СЕНТЯБРДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«ҚЎШИҚ ВА АФСОНАЛАР ТИНГАНДА...»— **Москва.**

«ОСМОНГАЧА БИЛЕТ НЕЧА ПУЛ?»— **Дружба.**

«АСРЛАР НИДОСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги.**

«ВАҚТ» — **Қозоғистон.**

«ҚАЙТИШ — БОШИДАН БОШЛАШ ДЕМАКДИР» — **Чайка.**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ҲАЁТ ГЎЗАЛ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **«Қозоғистон»** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ПЕТРОВКА—38» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда), **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 46-23-16).

«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОН!» —**Искра** (17, 19.45, жавоб берувчи автомат телефон 39-14-59).

# КАСБ ЭГАЛЛАШГА—«ШУҲРАТ»га

ҚИМ БЎЛСАМ ЭКАН? БУ САВОЛ БИЗНИ ЁШЛИКДАН ҲАЯЖОНЛАНТИРАДИ. ШОФЕРМИ, ВРАЧМИ, ҚУРУВЧИМИ?... ЭҲТИМОЛ, СОТУВЧИДИР?

Бугунги кунда сотувчилик касби —энг оммабоп ва кишилар учун зарур касблардан бири бўлиб қолди. Сотувчи— харидорнинг энг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси, бизнинг кайфиятимиз унинг оқилиги, эътиборлиги ва хушмуомалалигига боғлиқ. Яхши сотувчи бўлиш осон эмас, лекин, Сиз савдода ишлашга аҳд қилган экансиз,

**— «ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!**

«Шуҳрат»— бу республикамизда савдо корхонаси қошида очилган биринчи мактаб бўлиб, у саноат товарлари билан савдо қилувчи сотувчилар тайёрлайди. Мактаб-магазин ташкил топгандан буён ўтган 11 йил мобайнида уни мингдаб йигит ва қизлар битириб чиқдилар. «Шуҳрат»ни дастлаб битириб чиққанларнинг кўпчилиги магазинларда бўлим ва секция мудирлари, директор бўлиб ишлашмоқда. «Шуҳрат» кадрларни аъло даражада етиштириб чиқарганлиги учун Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳамда савдо Бош бошқармасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, мактаб-магазин —СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломига сазовор бўлган.

Сотувчи бўлиш учун ёлғиз хоҳиш-истакнинг ўзигина кифоя қилмайди,— ҳозирги замон сотувчисида яхши дид, товарларнинг афзаллиги тўғрисида жозибали ҳикоя қилиб бера билиш, харидорларнинг товарларни танлашларида ёрдам кўрсатиш, уларга янгиликлар ҳақида ҳикоя қилиб бериш хусусиятлари мужассамлашган бўлиши керак.

Харидорни қандай кутиш ва унга хизмат кўрсатиш керак, витринани дид билан безаш, харидни пухта ўраш каби кўпгина нарсаларни сизга «Шуҳрат» мактаб-магазини ўргатади. Уч ойга мўлжалланган назарий курсда сиз этика ва эстетика, совет ва меҳнат ҳуқуқи, товаршунослик асослари соҳасидаги билимларни эгаллайсиз. Уч ойлик практикада ишга керакли малака ва тажриба эгаллайсиз. Олти ойлик ўқиш ва практикадан сўнг сиз қизиқарли ва керакли касб эгаллайсиз. Агар ўқишни яна давом эттиришни истасангиз,—сиз Тошкент Совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига имтиёзли шарт билан ўқишга киришингиз мумкин.

**«ШУҲРАТ» мактаб-магазини саноат товарлари билан савдо қилувчи сотувчиларни тайёрлайди.**

**Мактабни тамомлаганлар сотувчи-контролер-кассир касбини эгаллаб, шаҳардаги йирик савдо корхоналарига ишга юборилади-лар.**

**ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ:**

**Мактаб-магазинга 16 ёшдан то 25 ёшгача бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.**

Тошкентда доимий пропискада бўлиш шарт.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

**Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.**

**ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ ИШ СТАЖИГА ҚУШИЛАДИ.**

**Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** аттестат ёки 8 синфни тамомлаганлиги ҳақида шаҳодатнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, агар бўлса—меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, фотосуратлар (6х9 см. ҳажмида). Аризалар мактаб директори номига берилади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 2-уй. Телефон 76-27-66.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

## АГАР УЙИНГИЗДА ХОЛОДИЛЬНИК БЎЛСА, МАҲСУЛОТЛАР ЯХШИ САҚЛАНАДИ

ХОЛОДИЛЬНИК — ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ЯХШИ САҚЛАЙДИ. ЯНГИ САБЗАВОТЛАР, СУТ-ҚАТИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ, МЕВА ВА КЎКЛАР ЯХШИ САҚЛАНАДИ.

ХОЛОДИЛЬНИК— минерал сув, лимонад, пиво, шампан виноси, уй шароитида бир неча минутда тайёрланган коктейль учун чинакам совуқхонадир.

ХОЛОДИЛЬНИК — қулай ва ҳар қандай маҳсулот жойлашиши мумкин бўлган ошхона шкафи ҳамдир.

**ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!**

АГАР СИЗГА ХОЛОДИЛЬНИК ЗАРУР БЎЛСА, СИЗНИ Г У М ГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

**Бу ерда Сиз қуйидаги маркалардаги холодильникларни сотиб олишингиз мумкин: «САМАРҚАНД-2», «ПАМИР-4», «САРАТОВ-2».**

«САМАРҚАНД» — холодильниги ўзининг яхши томонларини кўрсатди. У фойдаланишда мустаҳкам, бежирим, электр энергиясини кам истеъмол қилади. Сиғими 240 литрли совутиш камераси уй бекасига 1—2 ҳафталик маҳсулотларни тайёрлаб қўйиш имконини беради. Унинг паст ҳароратли бўлимида гўшт ва балиқни 4 ҳафта сақлаш мумкин. Совутиш камераси ёпилиши биланоқ автоматик равишда ишга тушади. «Самарқанд» холодильнигидан фойдаланиш қулай бўлиши учун пастки тарафда педаль ўрнатилган. Агар сизнинг қўлларингиз банд бўлса, оёқ билан педални боссангиз холодильник очилади. «Самарқанд»нинг вазни сигил бўлгани учун уни у жойдан бу жойга бемалол кўчириш мумкин.

**Баҳоси — 325 сўм.**

«САРАТОВ» — холодильниги ҳам кўпчиликка манзур бўлгани. Ҳозирги пайтда саноатимиз «Саратов»ни совутиш камерасининг сиғимига қараб уч хил маркада ишлаб чиқармоқда (120—140 литр сиғимли). **Уларнинг баҳоси 165, 190 ва 200 сўмдан.** «Саратов-2» холодильниги ҳар қандай квартирага ярашиб тушиши мумкин.

«ПАМИР» холодильниклари сафи янги моделдаги «Памир-4» билан бойиди. У ўзининг ички безаклари билан ажралиб туради. Янги, яхшиланган конструкциядаги ички шкафи ва қўшимча фазалари унинг полкалари баландлигини керакли жойда ўзгартиришини таъминлайди. «ПАМИР-4»—қулай ва кенг ошхона шкафидир. Унинг эшигида сут маҳсулотлари, туҳум, сариёғ, пишлоқ қўйиш учун катакчалар ҳам мавжуд. Сабзавотлар махсус ванначада сақланади.

**«ПАМИР-4» Душанба холодильниклар заводи томонидан ишлаб чиқарилмоқда.**

**Баҳоси — 215 сўм.**

Тайёрловчи заводлар электр-хўжалик приборлар магазинида сотилган кундан бошлаб 3 йил мобайнида мустаҳкам ишлаб туришини гарантиялайди.

**ГУМга марҳамат қилинг!**

**ГУМ соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.** Дам олиш куни — душанба. ГУМ Охунбобоев майдонида жойлашган. 7, 8, 11, 16, 19-трамвайлар, 8-троллейбус, 28, 29, 35, 38, 53-автобуслар ҳамда 9-маршрутли такси билан бориш мумкин.

Г У М.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

# БИР ТОМЧИ АТИР ВА КОСМЕТИКА

**Бу ҳар бир аёл учун ҳар куни зарур. Атир, упа, лосьон, крем, лаб бўёқ — аёлларга гўзаллик бахш этади, қайси бир аёл гўзал бўлгиси келмайди, дейсиз?**

**«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»НИНГ «ҲАММАСИ АЕЛЛАР УЧУН» МАГАЗИНИ**

Турли рангдаги териларга мўлжалланган ҳамда ҳар қандай дидга жавоб бера оладиган косметика ва упаэлик буюмларини таклиф этади— терини парваришлайдиган воситалар, гўзаллик косметикаси, сочни парваришлаш воситалари, атирлар.

Биз ёзнинг кўпчилик кунларини очиқ ҳавода ўтказамиз, қуёшда тобланамиз, сувда сузамиз, походларда юрамиз. Қуёш нури, шўр сув, шамол организмни мустаҳкамлайди, лекин афсуски, булар терига салбий таъсир этади: тери қуруқшаб қолади, ажинлар қўпаяди, сепкил тошади. Косметологлар ёз фаслида терини керакли озуқа моддаси билан таъминлайдиган ҳамда шамол, қуёш нури, сувдан муҳофаза қиладиган кремларни тавсия этадилар.

**ҚАЙСИ КРЕМНИ ТАНЛАШ КЕРАК?**

«РОСИНКА»—бу ёғлиқ ва нормал тери учун белгиланган. Крем доривор ўсимликлардан спиртда тайёрланган, майин, терига яхши сингади. Крем терини юмшатади, рангини очади, соғлом қизғиш кашф этади.

«БИТИТЕ» («Пчелка») —она ари сутидан тайёрланади, терига ранг киритади, қурғошинларини йўқотади. Крем қуруқ ва нормал терили юзларга тавсия этилади.

«ЛЮБИМИЙ» декоратив крем— юздаги терига тошган нарсалар (доғ, тошма)ни яхши яширади. «ЛЮБИМИЙ» креми таркибида глицерин (крахмал ва эмульгатор мавжудлиги туфайли уни суртганда— юмшайди, кўриниши яхши бўлади. Агар сиз юз терисидаги тошмаларни яширмоқчи, уни оқартирмоқчи ва юмшатмоқчи бўлсангиз — «ЛЮБИМИЙ» кремидан фойдаланинг.

«ВОСХОД» эмульсияли, витаминлаштирилган, суюқ крем бўлганлиги учун ҳам терига яхши сингийди. «ВОСХОД» креми таркибида теридаги ҳужайралар фаолиятини яхшилайдиган «А» ва «Д» витаминлари бўлиб, уни юмшатади ва хушрўй қилади. Крем ёғлиқ ва нормал териларга мўлжалланган бўлиб, упа ўрнида хизмат қилаолади.

«ЛАДА» — ҳар қандай тери учун биокрем. У терини юмшатади, қуруқшаган юз ва бўйин терияларига суртиш тавсия этилади.

«Оёқ учун крем» — оёқни парвариш қилиш учун гитиена креми, терини юмшатади ва майинлаштиради.

«КИЧКИНТОЙЛАРГА» — бу витаминлаштирилган крем тошмага қарши бўлиб, терида тошма пайдо бўлганда қўлланилади.

Шуни унутмангки, юз ва бўйинга крем суришдан олдин уни лосьон ёки ювиниш сувида яхшилаб тозалаш керак. Ортиқча суртилган кремни артиб ташлаш ва кўчага чиқишдан олдин юзга упа қўйиш керак.

Упа терини кўркамлаштирибгина қолмай, уни соғломлаштиради, майин ва ярқироқ қилиб кўрсатади. Упа терини қуёш нуридан сақлайди, тошманинг олдини олади.

Савдода —тонал крем-упа бор. Компактли упалар: «Новая заря», «Малахит», «Лола», «Алые паруса», «Мимоза», кукун упалар: «Сказочная», «Фестиваль», «Волшебная», «Красная Москва», «Маскарад», «Золотая осень», шунингдек лосьонлар: «Утро», «Дикая роза», «Гуркитис», «Флора», «Огни Москви», «Огуречний».

сочга суриладиган «Блондоран-ликвид» воситаси, бўёқ шампунлар: «Фан», «Арома-колор», «Лондестон», сочни мустаҳкамлайдиган «Ҳаа-фоон», лаб бўёқ (мамлакатимизда ва чет эллардa ишлаб чиқарилган), киприк бўёғи, тушь ва бошқа косметикалари.

**«Ҳаммаси аёллар учун» магазинида парфюмерия бўлими энг катта бўлим ҳисобланади. Сиз у ердан исталган атирни топишингиз мумкин. Французлар: «Аёллар гўзаллиги — бир томчи атирда», деб бежиз айтмаганлар.**

«ҲАММАСИ АЕЛЛАР УЧУН»

МАГАЗИНИГА ҲУШ КЕЛИБСИЗ!

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Янги шаҳар ярмаркаси.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»

**«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ**

## ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА

«ХАРЬКОВ» МАРКАЛИ ЭЛЕКТР УСТАРА ҲЕЧ ҚАЧОН ЭСКИРМАЙДИ:

**«ХАРЬКОВ» ЭЛЕКТР УСТАРАСИ ДОИМО ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ**

Юзни силаш — фойдали ва ёқимли тадбир, бу ишларни соқол қиртишлаш пайтида ўзингиз бажарасиз.

«Харьков-5У» соқол қиртишлаш билан бир вақтда юзни силайди.

Электр устарада катталаштирилган диаметрдаги қиртишлайдиган тиғ ўрнатилганлиги, конструкцияси «сузиб юрувчи» бўлганлиги, пазларининг янгиланганлиги туфайли бу ишларни аъло даражада бажаради.

**Электр устара доимий ва ўзгарувчан токда ишлайди.**

**«ХАРЬКОВ-5У» ДАН ҲАММА ЖОИДА ФОЙДАЛАНИШИНГИЗ МУМКИН.**

**«ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА».**

## «САЁҲАТ» РЕСТОРАНИДА

**28 ОКТЯБРГАЧА**

**ҲАР КУНИ СОАТ 20.00 ДА**

БАЛЕТ ГРУППАСИ СОЛИСТЛАРИ ВА ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ ИШТИРОКИДА

**«ЛЕНИНГРАД — ТОШКЕНТГА» КАТТА ВАРЬЕТЕ КОНЦЕРТИ**

(2 бўлимда)

ПОСТАНОВКАЧИЛАР: **СССР халқ артисти** Михаил ГОДЕНКО, **РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими** Кирилл САДОВНИКОВ.

БАДИИЙ РАҲБАР— **РСФСРда хизмат кўрсатган артист** В. Б. ПАНАРОВСКИЙ.

«САЕҲАТ» РЕСТОРАНИГА 1, 69-АВТОБУСЛАР, 6, 13, 22-ТРАМВАЙЛАР БИЛАН ВА МЕТРОДА (М. Горький станциясигача) БОРИЛАДИ.

**Ҳар куни соат 12.00 дан 20.00 гача олдиндан билет сотиб олиш мумкин.**

## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

**24 СЕНТЯБРЬ—ЧОРШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

17.50 «Горничилар, қаердасиз!». 18.15 «Виргалиқда —аҳил оламиз». Музикали программа. 18.45 «Советлар ва ҳаёт». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Аеллар. Югославиядан олиб кўрсатилади. 20.10 «Дмитрий Шостакович». Кинодаги куйлар. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак»— «Динамо» (Минск). В. И. Ленин номли Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида ва кўрсатув охирида—баскетбол бўйича Европа чемпионатидан репортажлар. 24.00 «Дунё воқеалари».

**Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси**

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

**Ўзбекистон телевиденнесининг программалари**

**I**

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Футбол юлдузлари». Мультфильм. 18.40 «Ўсмир ва қонун». 19.10 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ. «Наманган абрли газламалар комбинати партия ташкилотининг иш тажрибасидан». 19.30 «Айборот». (рус.). 19.45 «Сулаймон Лонқ —Афғонистон шоири». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг камер оркестри ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Хирмонингизга барака». 22.15 «Шашмақом». фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»). 23.20 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

**II**

20.00 Кўрсатуалар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Ўғай қиз» (рус.). 21.00 «Пойтахт области далаларида». 21.30 «Галла давраси хроникаси». Телефильм. 22.10 Пушкин бўлган Болдино кузининг 150 йиллигига «Евгений Онегин». Бадиий ўқиш (рус.).

**25 СЕНТЯБРЬ—ПАЙШАНБА**

**Марказий телевиденнеининг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Горничилар, қаердасиз!». 10.30 «Ҳайвонот олами». 11.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 СССР ва ВХР ўртасида дипломатик алоқалар тикланганлигининг 35 йиллигига. «Венгрия бўйлаб». Кинопрограмма. 16.00 «Шахмат мактаби». «Танишинг —шахматлар». 16.30 Белоруссия ССР Давлат академик Қатта опера ва балет театри солистларининг концерти. Минскдан олиб кўрсатилади. 17.10 «Сизга манзур шеърлар».

17.40 Урал балиқчилари трюси ижро этади. 18.30 «Ленин номи билан». 19.00 «Қувноқ нотачилар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.00 Совет қўшиқларидан концерт. 20.20 «Масхарабоз». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Зенит» — МАСК. Ленинграддан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.50) —«Дунё воқеалари».

**Марказий телевиденнеининг тўртинчи программаси**

22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак»— «Торпедо». В. И. Ленин номли Марказий стадионининг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —(22.40)—«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

**Узбекистон телевиденнесининг программалари,**

**I**

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви (такрорий). 12.00 «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 13.00 «Третьяков галереясининг 103 дурдонаси» (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим—фахрим». 18.50 «1980 йил планини 7 ноябрга бажарамиз». Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» (рус.). 19.10 Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига. «Абу Али ибн Сино», Ҳужжатли фильм. («Ўзкинохроника»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод саҳифалари». Мустай Карим. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳасанов ва А. Абдуллаев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 Ўзбекистонда совет музыкаси Бутуниттифоқ фестивалининг тантанали очилиш-концерти. (Санъат саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

**II**

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Компас Шарқни кўрсатади». Телефильм. 20.50 «Кадр ортида». Телефильм. 21.05 «Она-шаҳрим — Тошкентим». 21.35 Телефильм 22.15 «Ҳаётга қайтиш». Бадиий фильм. 1-серия.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85, шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва қўқук — 32-54-19 фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; вилоятлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

24 СЕНТЯБРЬ, 1980 й. Р—16599. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2202.